



ХОЛИД  
ЭРТҮҮРҮЛ

БУНГА  
ЮРАК ДОШ  
БЕРОЛМАС...

Айсег



**Холид Эртуғрул**

*Бунга юрак дош беролмас...*

# Айсел

Мутолаа бошланган сана:22.05.22

Мутолаа тугаган сана:24.05.2022



Холид Эртуғрул

# Айсел

“Мисбах” жамоаси

Лойиха муаллифи: Шахзод Рамазонов

Таржимон ва мухаррир: Аброр Адҳам ўғли

Мусаҳҳих:: Феруза Кувонова

Дизайнер: Рухсора Азизова

Саҳифаловчи: Исмоил Ҳошимов

Ижтимоий тармоқлар  
бўйича масъул Дилшод Алиев

Ушбу китобнинг ўзбек тилидаги таржимаси бўйича  
барча ҳуқуқлар «Мисбах» жамоасига тегишили бўлиб,  
руҳсатсиз нусха кўчиришининг барча турлари шаръан  
ҳаром ҳисобланади ва қонунан ман этилади.



ISBN: 978-9943-8026-2-9

УО‘К: 821.512.161-32

КВК: 84(5Turk)

Е 73

Холид Эртуғрул  
Айсел / Холид Эртуғрул - Тошкент:  
Мисбах, 2022. - 144 б.

© Холид Эртуғрул, «Айсел».

«Мисбах» нашриёти, 2022.



холид  
ЭРТУГРУЛ

БУНГА  
ЮРАК ДОШ  
БЕРОЛМАС...

# Айсег



## СҮЗБОШИ

Китобхонлардан ҳар куни кўплаб мактублар, телефон қўнфироқлари ва хабарлар оламан. Уларнинг изоҳлари, тавсиялари ва биз билан баҳам кўрган ибратли ҳаёт ҳикояларидан хурсанд бўламан, чунки ҳар бир муносабат янги китобларимиз учун «масаллиқ» бўлиб хизмат қиласди.

Қўлингиздаги «Айсел» китоби ҳам бизга юборилган ажойиб ва сирли мактуб асосида ёзилди.

Ушбу мактуб ўлим тўшагида битилган. Унда руҳияти абгор бўлган, оғир қасалликка чалинган ва хаёллари паришон бир инсоннинг юракларни доғловчи ҳаёт ҳикояси баён этилган. Инсоний муносабатлар, ёшлар билан боғлиқ муаммолар ва оммавий завол масалалари кўтарилилган мазкур китобда ўз жонига қасд қилиш даражасига келиб қолган навниҳол қизнинг бошига тушганлари ҳақида сўз боради.

Бўлган воқеаларга асосланган ушбу китоб бир шоҳ асар дунёга келтириш ниятида ёзилмади. Шу сабабли қисса ёки романга ўхшаш асар деб ўйланмаслиги керак, унинг ўзига хос услуги бор. Унда дидактик унсурларга урғу

берилиб, панд-насиҳат жиҳати кучайтиришга ҳаракат қилинган. Китобга ана шу нуқтai назардан қарашни, уни қисса ёки роман мезонлари билан баҳоламасликни сўраймиз.

Китобнинг аудиторияси – кенг омма. Бунинг учун қисқа жумлалар ва содда услубдан фойдаланилди. Матн ёзилаётганида мукаммаликка эмас, тушуниш осон бўлишига эътибор қаратилди.

Китобларимизда ўхшаш мавзулар нега тез-тез кўтарилиши хаёлингизга келиши мумкин. Бунинг иккита сабаби бор:

биринчидан, баён этилган воқеалар ҳаётий бўлгани боис қандай юз берган бўлса, шундай ҳикоя қилинган. Янада бойитиш учун ўзгартириш киритилмаган;

иккинчидан, китобнинг мавзусини ташкил этган воқеалар ёшларнинг ахлоқий қадриятларини мустаҳкамловчи, ўқувчиларнинг ўзлари билан юзлашишига васила бўлувчи хусусиятга эга. Ҳаётий воқеалар танланишининг сабаби ҳам шу.

Юракларнинг чидаши қийин бўлган бу ҳислар оқими қалбимизда янги умидлар унишига туртки бериш тилаги билан



## **ОЛОВЛИ СЎЗЛАР**

---

Хаёлларимни остин-устин қилиб юборган бу мунгли мактуб рамазон ойининг шукуҳи давом этаётган паллада қўлимга тушди.

Қандай унутишим мумкин баҳорнинг ўша совуқ кунини...

Ташқаридаги жунжиктирувчи ҳаво ичкаридаги илиқликка тўқнаш келиб, буғланган дебраза ойнасидан намхуш маҳзунлик-ла қатра-қатра ёш тўкарди.

Столимга мук тушганча мен ўқий бошлаган бу мактуб эса худди ҳар сатрида чўғлар тизилгандек юрагимни лов-лов ёндираётган эди. Мени адо қилган сўзларнинг асрорига асир бўлиб, дам-бадам ҳушимни йўқотгудек бўлар, хонамдаги сукутни бузувчи ҳўнграшларимдан ўзимга келардим.

Чорасизликка ибратли бир ҳужжат бўла оладиган мазкур ҳаётий воқеа қалбимни ҳайрат ва изтиробга шунчалар тўлдирдики, энди менга

олаётган нафасимдек яқин эди бу фарёднинг эгаси...

Ўқувчиларимдан келган мактубларнинг на биринчиси бу, на охиргиси. Ҳар куни сонсаноқсиз хат оламан. Хат ёзганларнинг баъзилари билан дардош, айримлари билан сирдош бўламан. Кимdir ёрдам сўраган, яна кимdir фам-андуҳларини битган, кейингиси муждалар йўллаган.

Бошқалардан фарқли ўлароқ бу мактубнинг ҳар бир ҳарфи кўз ёшлар, фарёд ва алам билан тўлиб-тошган. Ҳасратга шунчалар тўлганки, «Бир инсон бунча азобни қандай кўтара олиши мумкин?» дея ажабландим. Бу мактуб эгаси гўё изтироб дарёсида сузар, нариги соҳилга ўтишга урингани сари чўкиб борарди. Мактубнинг ҳар бир сатридан янада оғир алам тошиб чиқарди.

Мактубдан отилиб чиққан ва хонамни чулғаб олган сассиз ҳайқириш юрагимни хун қилди. Инсонийлик, оилавий муносабатлар, ўқитувчи-устозлар, айниқса, бошқарувчиларнинг истиқболи савол остига олинган хатнинг ҳаммасини ўқиб тугатмаган бўлсамда, тамомила унинг таъсирига тушиб қолдим. Бечора боладек йифлай бошладим. Мен тўхтатиб қолишга уринаётган кўз ёшларим кетма-кет тўкилиб, мактубни ҳўллаб юборди.

Ҳўнграшларим хонамни тўлдирмасин деб, деразани очдим ва мавсумнинг саси билан юзлаштиридим ғовлаб кетган бошимни, титроқ

босган баданимни... Ойнадан оқиб тушган буғ мисоли тўкилар эди кўз ёшларим мактубнинг эгаси учун...

Лекин мен кўрган чора камлик қилди – йифи овозим хонамдан тошиб чиқиб, рафиқамнинг шафқат тўла юрагига етиб борди. Хонамнинг эшигини астагина очиб, хавотир ва тасалли аралаш нигоҳи билан кириб келди.

– Яна йиғлатяптими мактублар? – дея сўради.

– Ҳа, – дедим. – Аммо бу галгиси жуда бошқача экан.

Рафиқам ҳам ўрганиб қолган мактубларда битилган дардлар учун қайфуриб, хушхабарлардан хурсанд бўлишга.

Мактубнинг ўқиб бўлган қисмларини унга бериб, ўзимга ўзим сабр тилаганча алам билан ёзилган сатрларни ўқишини давом эттиридим.

«Нотўгри танловларим дастидан ҳаётдаги барча чораларимни тугатиб бўлдим. Ягона чорам қолди – умримнинг тезроқ тугашини кутиш, – дейилган эди хатда. – Ўзимни бутун умидларини бой берган, гуноҳларга ботган ортиқча кимса ўлароқ кўряпман. Халос бўлиш – неча ойдан бери кутяпман ўша интиҳони. Мен учун бошдан ўтказадиган ва кўрадиган ҳеч нарса қолмади. Кел энди, ўлим! Ёлвораман, кел!»

Бандалик шуурини ва мавжудлик сабабини аллақачон йўқотиб бўлган мактуб эгаси сатрларни ана шундай бошлаган ва ҳайратланарли бир тарзда якунлаган эди. Бу шундайин якун эдики, дунёимни остин-устин қилиб юборди. Мактубдаги ҳар бир сатр гўё оловли ҳалқа ҳосил қилган ва атрофимни ўраб олганди. Шундай қилиб, оловли гирдобнинг ичидаги килиб кетдим.

Деразамнинг ортида хазон, қалбимда ҳузун, стол устида ҳазин тўла бир мактуб ва буларнинг орасида чирпинаётган юрагим...

Ҳаёти изтироб билан ўтган, ўлим тўшагидаги ёшгина қиз мисраларнинг орасидан чиқиб, шарпа мисоли хонамга кириб келди... Оппоқ либосда, дир-дир титраган кўйи, юзида қайғу намоён... Юракларни доғлайдиган ҳаёт ҳикоясини сўзлашга тушди, оловли сўзларни танлаётганини ўзи ҳам билмаган ҳолда...





## **БАЛКИ ЯХШИЛИК, БАЛКИ ИНТИҚОМ**

---

**Ҳурматли Холид Эртугрул бей!**

Пала-партиш ёзилган ушбу мактубим учун маъзур тутинг, чунки уни ўлим тўшагида ёзяпман. Ҳаётининг сўнгги лаҳзалари яқинлашган инсоннинг қанчалар азобда, қанчалар саросимада бўлишини тахмин қилиш қийин эмас. Шу сабабли ёзувим тартибсиз, сўзларим гализ, жумлаларим кифоясиз бўлиши мумкин. Афв этинг, чиройли ёзишга мажолим йўқ, заковатим ожиз. Бу мисраларни битишдан мақсадим шуки, инсонлар ўзларини саволга тутишисин, жабрдийда ва чорасиз кишиларни қўллаб-қувватлашисин, уларга шафқат кўрсатишисин.

Кўп азоб чекдим, афсуски, йўлнинг адогига келдим. Бор поклигимни, ростгўйлигимни, қанча соғ ва тоза туйгуларим бўлса, барини бирма-бир йўқотдим. Энди ўзимдан ҳам, қўлим теккан ҳамма нарсадан ҳам уяляпман.

Хаётим кимдадир тақрорланишини, мен чеккан азобларни яна кимдир тортишини хоҳламайман. Овозимни ҳамма эшиңсин, мен йўл қўйган хатоларни бошқа бирор қайтармасин дея ушбу мактубни ёзмоқдаман.

Бу мактубни бошқа кимгадир эмас, нега айнан сизга ёзаётганимга қизиқаётган бўлсангиз керак. Сўзларни ёнма-ён тизиб, маъноли гаплар туза олсам, фикрларимни тушунтиришга ҳаракат қиласман.

Ўлим тўшагида ётган бўлса-да, ўтган ҳафтада бор кучимни йигиб, ташқарига чиқдим. Бу дунёning хиёнаткор одамлари билан юзлашмоқчи, уларга газабимни сочиб, бироз бўлса-да, енгилламоқчи бўлдим. Чунки улар ҳамма нарсамни тортиб олишиди. Шу тариқа улардан кичкинагина қасос олишини, ўзимга озгина тасалли беришни ўйладим.

Ана шу ўйлар билан касалхонадан қочдим. Саноқли кунлари қолган, буткул қувватсиз ҳолимда қаергача боришим мумкин?.. Югурга олармидим?.. Ўтиб кетди у кунлар... Аранг қадам ташлаб, касалхона ҳовлисидан кўчага чиқа олдим, холос. У ёқ-бу ёққа қарадим. Юзида инсонийликдан асар кўринмайдиган кимсаларга заҳримни сочдим. Кейин касалхонанинг олдидағи тамаддихонанинг ёнида деворга суюнганча чўккалаб қолдим.

Дармонсиз ҳолатимда ўзимча ҳайқирдим: «Оҳ, маъсум болалар! Эси йўқ ёшлиар! Ўзингизни

эҳтиёт қилинг, ёмон одамларга алдануб қолманг. Бор-будингизни тортиб олишади, ҳеч ҳам аяб ўтириши майди. Ор, номус, гурур атамиши бойликларингизни олиб қўйишса, адойи тамом бўласиз. Чўнтагингида қолган пул билан эса ё ҳаб<sup>1</sup> оласиз, ёки ўзингизга кафсан».

Эътибор берсам, овозимни ҳатто ўзим ҳам базур эшиятман экан.

Чорасиз ҳолда бир муддат атрофни кузатдим. Зулматга чўмган дунёимни сўроқлаётib, тамаддихонанинг олдидағи распада турган китобларга кўзим тушди. Айниқса, иккита китоб мени ўзига оҳанрабо мисоли торта бошлиди – «Ўзини қидирган одам» ва «Ўзимни топдим...». Пул нималиги аллақачон эсимдан чиқиб кетгани учун китобларни қандай сотиб олишини ўйлаб ўтирмадим.

Ўрнимдан туриб, китобларнинг олдига бордим. «Ўзимни топдим...»ни қўлимга олдим. Сотувчи аҳволимга ачиндими ёки чўнтағимда ҳемири йўқлигини тушундими, китобнинг пулини сўрамади. Буни қарангки, умримнинг сўнгги дамларида сал аввалги газабимга қарамай, ҳадя олдим. «Ажабо, бу жамиятда бундай инсонлар ҳам бор экан-да», деган ўй ўтди хаёлимдан. Қанийди, бу яхшиликка аввалроқ дууч келсаму ҳаётим жаҳаннамга

---

<sup>1</sup> Гиёхванд модда назарда тутиляпти.

айланмаса эди... Ҳамма нарса түгагандан  
кейин учраган эзгулик...

Қизиқ, бунинг бирор ҳикмати борми?..

Бу китобни нега олдим, билмайман. Ўлим  
билин олишаётган одам китобни нима қиласы,  
буни ҳам билмайман. Балки ўзини йүқтөтган  
инсон сифатида ҳали-ҳануз күринмас бир  
илинжнинг ортидан кетаётгандирман. Бал-  
ки шунча азобга қарамай, дунёдан воз кечишни  
истамаган баъзи ҳисларим бордир. Балки...

Касалхонага қайтдим. Шифокорлардан ях-  
шигина гап эшишиб олдим: «Ўзингни эҳтиёт  
қилмаяпсан, бунақада ўлиб қоласан-ку!»

Кошки! Кошки ўлолсам! Ўла олиш ҳам бир  
омад экан!

Ҳам гиёҳвандликка қарши даволаняпман,  
ҳам саратонга қарши. Шифокорлар сара-  
тонга чалинганимни мендан яширишга ури-  
нишаётган бўлса-да, берилаётган дорилардан  
ҳаммасини тушунив турибман. Майли,  
ахир, ҳаётдаги хатоларим мени ажал сари  
етакламадими? Бугунми, эртагами, нима  
фарқи бор?..

Огриқ қолдирувчи дорилар таъсирини  
кўрсата бошлагач, китобни қўлимга олдим.  
Китоб ўқимаганимга ҳам аллақанча вақт  
бўлибди-я. Ҳолбуки, катта одам бўлмоқчи  
эдим. Ҳам ўзимни, ҳам дўстларимни, ҳам  
юртимни қутқармоқчи эдим. Минг афсус, мен  
кетма-кет йўл қўйган хатолар ва кечириб

бўлмас янглишларга! Ҳозир хаёл сурининг мавриди эмас, зеро, бунга мажолим ҳам йўқ.

Майли, буларни қўятурай.

«Ўзимни топдим...» китобини варақлаётуб, сизга анча-мунча мактуб ёзилишини билиб олдим. Муҳим киши эканингиз аниқ. Сиздан ёрдам сўраганлар, дардини дастурхон қилганлар... Албатта, менга галати тушибди: ёрдам сўраганга ёрдам қўлинни узатадиганлар борми бу дунёда?.. Демак, бор экан, мен бошқа оламларда яшаганим учун буни сезмабман.

Китобдаги мавзулар бир-биридан ажойиб. Ҳаммасини бўлмаса-да, баъзиларини ўқидим. Чунки хаёлларимни йигиштириб, ўзимни китобга тўлиқ беролмадим. Воқеаларнинг таъсирда минглаб марта эзилган ва қийналган шуурим нозик ва маънодор нарсаларни кўтара олмай қолган.

Китобдаги мен сингари саратонга чалинган бир bemornинг мактуби эътиборимни тортиди. Талабангиз Эрен Тунжер... Очиги, мен ҳаётимда ўқиган энг жиддий ёзув мана шу. Биринчи марта бир битикдан бунчалик қаттиқ таъсирландим. Ҳатто оби ҳаёти адo бўлган ва умиди қолмаган руҳим ҳаяжонга тушибди. Аммо менинг дунёим шунчалар зулмат билан қопланган, азоблардан шунчалар лоқайд бўлиб қолганки, бу ширин ҳаяжон милт этиб ёнди-ю, дарров сўнди.

Сизга ёзилган мактублардан илҳомланыб, фаррош аёлдан қогоз-ручка сүрадым. Барака топгур, илтимосимни ерда қолдирмади. Шу пайтгача бошимдан ўтган ва мени ўлимнинг остонасигача олиб келган воқеаларни, алам тўла хотираларни қогозга туширишга қарор қилдим. Балки кимларгадир ибрат бўлиши учун менинг мактубимни ҳам китобларингизга киритарсиз. Ким билади, эҳтимол, хатоларимдан дарс олганлар бўлар. Ёшлар маъсум ва бечораларнинг ҳаётини остин-устин қиласидиган сохтакорларга яқинлашмасликни ўрганишар. Шундай бўлишини умид қиласман. Тўгрисини айтсам, буни яхшилик бўлсин, деб қиласманми ёки ўзимга таскин бериш учунми, билмайман. Билганим шуки, бутун вужудимни қамраб олган сараторн иллати тез орада мени бу дунёдан олиб кетади.

Агар бу мактубни якунлашга ва сизга жўнатишга умрим етса, жуда ҳам яхши иш қиласан бўламан, дея олмайман, лекин ҳаётимни хароб қиласланлар, мени тинмай хатога унданларнинг ҳақиқий юзларини фош этган ва шу тариқа улардан интиқом олган бўламан...

**I БОБ**

## **ХАЁТ ЭМАС, АЗОБ ЧАМБАРИ**



Оила аъзоларимнинг баридан бирма-бир ажрадим.  
Фалокат ортидан фалокат юз бериб, бу дунёда ёлғиз  
қолиб кетдим. Менга меҳрибонлик қиласиган, мени  
қўллаб-қувватлайдиган ҳеч ким йўқ.

Бола юрагимнинг ягона тасаллиси ҳеч ҳам тўх-  
тамаган кўз ёшларим бўлди. Ҳаётнинг чираб бўлмас  
азоблари панада тузоқ қўйиб, мени кутаётгандек  
эди...

Бу пала-партии мактубни ўқишига тоғатингиз етишига умид қилган ҳолда ўзимни таништирсам.

Ислом Айсел, йигирма икки ёшдаман. Мени ёш экан деб ўйламанг. Ҳа, йигирма икки йил яшадим, лекин неча асрлардан бери яшаётгандек ҳоргин ва умидсизман.

Мен бой берган бу ҳаёт мужодаласини қоғозга тўкар эканман, энг аввало болалигим ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Чунки бугунги сўнгсиз азобларимнинг уруглари ўша даврда қадалган. Ўтмишда қолган бўлса-да, ўша кунларни эсласам, мени таърифи йўқ алам қийнайди. Чунки ҳар иили, ҳар ойи, ҳар куни, ҳатто ҳар сонияси изтироб ва нафратга тўла. Ҳаммасидан ҳам ёмони – чидаб бўлмас умидсизлик ва ҳеч тугамаган кўз ёшлиар тўфонига қоришган хотиралар...

Тўрт кишилиқ оила эдик. Отам, онам, мендан бир ёш катта акам ва бахти қаро мен.

Онамни умуман кўрмаганман. Унинг меҳрини туя олмаганман, ҳидини ҳидлай олмаганман. Шу сабабли нуқул она соғинчи қийнайди мени.

Менимча, энг катта омадсизлигим онамни танимаганим ва бу ҳаётни у билан бирга баҳам кўролмаганим бўлди. Бунчалар ёмонлик ва

уқубат тўла умримда онам ёнимда бўлганида эди, ким билади, балки расвогарчиликларга ара-лашиб қолмасмидим. Мени алдаганлар, юрагимни парчалаганлар, турли-туман тузоқларга тортганлар рўпарамдан чиққанида, дунёning энг кучли меҳр қалқони мени ҳимоя қилган бўларди. Ҳеч бир бойликка алмашилмайдиган она севгисини ичимдаю ташимда ҳис қиласдим. Ишончим комилки, онам мени ўша ноинсофларга ташлаб қўймасди. Балки бугун касалхонада бир ўзим қолиб кетмасдим, баҳтли оилам, фарзандларим, турмуш ўртоғим бўларди.

Ана шу ҳузурли онларни жуда кўп орзу қиласдим, улар ҳақида кўп хаёл сурдим, афсуски, рўёбга чиқмади. Чунки онам мен дунёга келтираётib кўп қон йўқотишдан вафот этган. Шу тариқа ҳаётнинг шафқатсиз қўлларида қолиб кетганман.

Бир ўйлаб кўринг-а, янги туғилган чақалоқ... Онасиз уй... Фақирлик ин қурган кулба... Бемор ота... Умидлари адо бўлган оила...

Она соғинчи мени ҳеч қачон тарқ этмади. Энг катта ҳасратим, мен ташна бўлган меҳр ва эриша олмаган эътибор, мени одам ўрнида кўрадиган юрак... Онам! Бу дунёда мен ҳеч қачон етиша олмайдиган инсон!

Кошки онам ёнимда бўлганида, хато қилганимда, сочимдан судраб, хонамга қамаб қўйганида, отамга айтиб жазолаттирганида... Ҳеч йўқ, шу йўл билан абллаҳларнинг тузогига тушмасмидим. Қандай яхши бўларди! Балки

шунча койишлар ва калтаклашдан кейин мени тиззасига ўтқизиб сочимни силар, ёноқларимдан ўпар, бошимни шафқат тўла бафрига босган бўларди. Бошқалар мени ғажиб ташламаслиги учун менга шундай таъзир берганини айтганида эди. Мен эса еган калтакларимни унутиб, онамнинг қўйнида эркаланган бўлардим.

Оҳ, онажоним-а, оҳ!.. Мени нега ташлаб кетдингиз? Бу бахтсиз қизингиз жуда кўп хатоларга йўл қўйди, ҳаммани ўзи сингари яхши ниятли деб ўйлади. Дўстдек кўринган, аслида бадкирдор бўлган кимсаларнинг хиёнатига учради. Сиз бўлганингизда, улар менга ҳатто бармоғини тегизишига йўл қўймасдингиз.

Она соғинчи юрагимни шунчалар доғладики, тилим, лабларим, нафасим ва қалбим бу соғинч ҳақида гапиришдан ожиз қолганида, оналар ҳақида ёзилган шеърлардан юпанч топдим. Ҳар бир шеър билан онамга бўлган соғинчимни бостиришга уриндим. Болалигимдан бери қаерда она ҳақида шеър кўрсам, онамдан қолган ёдгорликдай сақлаб қўйдим ёки ёд олдим. Эҳтимол, ҳаётимда қилган энг яхши ишим она ҳақидаги шеърларни тўплаш ва улар билан ўзимни овутиш бўлди.

Қачон юрагим ёнса, маъюс тортсам, қачон дўст, сирдош қидирсам, шу шеърларни ўқийман. Ҳам ўқиб, ҳам йифлайман.

*Тут қўлимдан, яна сила сочимни,  
Мен ҳамон боламан, дард катта, она.*

Зимистон тепалар узра дарбадар  
Ҳамон кезмоқдаман, юк катта, она.

Тепаларда тинмай отлар кишинайди,  
Бир ғавғо тугамай, яна бошлайди.  
Юрагимга санчилган найза учи,  
Яра кичик, шоқол каттадир, она.<sup>2</sup>

Онам вафот этгач, чақалоқ ҳолатимда мен, бир ёшли акам, ўпка касаллигига чалинган ва ўлимини кутаётган отам бу бешафқат дунёда чорасиз қолиб кетибмиз. Икки хонали уйимизнинг бир хонасида биз яшар эканмиз, иккинчи хонасида эса чорвамиз бор экан.

Бизга ачинганидан кимлардир бир муддат ёрдам бериб турибди, лекин бегона барибир бегона-да, ҳар доим ёнингизда бўлармиди. Онам етим бўлгани учун сўроқлаб келадигани топилмаган, амаким ва аммам эса етарлича эътибор қаратмаган.

Аслида амакимдан бирор нима умид қилиб бўлмасди, чунки фалаж бўлиб қолганди, кўп яшамади. Аммамнинг эри эса фирт арақхўр эди, уйларида ҳар куни ур-тўполон бўларди.

Оҳ, ҳаёт! Бизга ҳеч ҳам кулиб қарамайсанми?..  
Шундай қилиб, ўзимиз кўтара олмайдиган оғир юкнинг остида эзилганча қолаверибмиз.

Отам йўқчилик, камбағаллик ва азобларга узоқ чидай олмади. Ёмон улфатларининг

<sup>2</sup> Мехмет Эмин Юрдакул (1869-1944) шеъри.

құрбони бўлди у. Фўрликдаги хатолари, ашаддий кашандалиги ва арақхўрлик ёшгина отамни ҳаётдан олиб кетди. Ўпкасида айнан қандай касаллик бўлганини била олмадим. Ичиб-чекканига қараганда, ё саратонга чалинган, ёки силга. Яқин қариндошлари ҳам шу фикрда эди.

Отам ўзига қарамайдиган, бефарқ одам эди. Эртани ўйламасди, топганини ичкиликка сарфлагани учун ўта қашшоқ ҳаёт кечирардик. Лекин онам ўта саришта, тартибли аёл бўлган экан, ибодатларини сира канда қилмаган, уйда нуқул Қуръон ва Қуръон тафсири ўқир экан. Қишлоқнинг энг зиёли, саводхон аёли бўлган дейиш мумкин.

Онам художў аёл бўлганини билганимдан кейин ашаддий даҳрийлик пайтимда ҳам, онамнинг ҳурматидан диндор одамларга жаҳл қилолмас, уларни ерга уролмасдим. Балки онам ҳаёт бўлганида, бундай мутаассибликка, даҳрийликка, эътиқодсизликка берилмасмидим.

Очиини айтсам, даҳрий ва моддиянчи ҳаётимдан мамнун эмасдим. Диндор бўлганимда, баҳтли бўлармидим, буни ҳам билмайман. Зоро, энди бундай саволларнинг жавобини қидириш учун жуда кеч... Айни пайтда умидлари бутқул тугаган инсон сифатида ўлимимни кутмоқдаман. Қанчалар аччиқ бўлмасин, ҳақиқат шу.

«Ўлимдан қўрқаманми?» деган саволнитез-тез бераман ўзимга. Назаримда, қўрқмаслигимни

даъво қилиб, ўзимни жасур кўрсатишни истайман. Ҳозиргача ҳеч кимни лаққа тушира олмадим, лекин шу билан ўзимни ўзим алдайман. Ўлимдек жиддий мавзуда ўзимга ёлғон гапиришни танлайман.

Минг афсуслар бўлсинки, ажалнинг совуқ юзи менга анча яқинлашиб қолди. Мана шу эшикдан тез орада ўлим кириб келишига ишонаман.

Тўғрисини айтсам, ўлиш ваҳимали ҳодиса. Қадам-бақадам яқинлашяпман унга. Ҳаёт ҳақидаги умидларимнинг бари касалхона деворлари орасида адо бўлаётганини очиқ-ойдин кўриб турибман. Шундай экан, илтимос қиласман, саратон, менга бир яхшилик қил ва ўлимимни кўп куттирма. Охирги яхшилигинг шу бўлсин.

Эҳ, болалигим ҳақида сўзлаб бермоқчи эдим. Лекин ўй-хаёлим ўлим билан банд. Мавзудан узоқлашиб кетганимни сезиб туривман, мактубимни тугатгунга қадар яна неча марта узоқлашиб кетсан керак. Айбга буюрманг, устоз. Хотираларим орасида ўзимни йўқотаман, хаёлимдаги юзлаб, минглар саволлар орасида довдираб қоламан. Ёзувилинг хунуклигидан, жумлаларимнинг тартибсизлигидан буни фахмлаган бўлсангиз керак. Умид қиласманки, буларнинг барига сабр қилиб, мактубимни охиригача ўқийсиз.

Сал ўзимга келиб олай, кейин давом этираман ёзишини...

## Сассиз ҳайқириқ

Агар овозимни эшиттиришга кучим етганида, ёзишнинг ўрнига аввал шу касалхонанинг дeraзасидан, кейин эса эшикма-эшик юриб, қизларни ёмон амаллардан огоҳлантирган бўлардим. Афсуски, мажолсизман, чорасизман, овозимни ҳатто ўзим ҳам аранг эшитадиган аҳволдаман. Лекин ичимда сассиз ҳайқириқларим бор. Ҳатто ёзиш ҳам мени толиқтириб қўйяпти. Шунга қарамай, кучим тугагунга қадар ёзишдан воз кечмайман.

Мактубимнинг шу нуқтасида ёш қизларга хитоб қилмоқчиман: менга қулоқ туting, менга ишонинг ва оилангизга, айниқса, онангизга қаттиқ боғланинг. Гоҳида қаттиқ ва қўпол, ҳатто сизни хафа қиладиган гап-сўзларига қарамай, яқинларингизни кўпроқ қучоқланг.

Унутманг: энг меҳрсиз она ҳам, энг яхши бегонадан-да марҳаматлироқ, шафқатлироқ бўлади. Энг ёмон оила ҳам, энг ҳашаматли жойларданда ишончлироқдир. Ақалли жонингиз ваномусингиз ишончли қўлларда бўлади. Акс ҳолда ранго-ранг чироқлари билан кўзларни қамаштирувчи, ҳушни бошдан айирадиган сохта дунёning қурбонига айланасиз.

«Бахт ва эркинлик истайман», деб оилангизни тарқ этсангиз, энг катта бахт ва энг юксак

эркинликни қўлдан бой бериб, инсонни мутла-  
қо қадрламайдиганларнинг марҳаматсизлигига  
дучор бўласиз. Чунки дунёга манфаат ва пул  
кўзи билан қарайдиганлар ҳеч ачинмай одам-  
ларни ҳам пул билан ўлчашга ҳаракат қилади.  
Ўша сохта меҳрибончиликларнинг ортидан  
тўкилган кўз ёшларни, саробга айланган  
умидларни шахсан кўришингизга ҳожат йўқ  
— буларнинг гувоҳи, мана, менман. Мана,  
мендан сўранг сохта эътибор туфайли инсон  
нималаридан айрилиши мумкинлигини...

*Яна фикрим тарқаб кетди. Очкўзликлари  
учун инсонлардан фойдаланадиганлардан  
қаттиқ хафаман, улардан қаттиқ жаҳлим  
чиққан. Ўйлаган сари ақлдан озай, дейман,  
ўзимни йўқотаман. Ҳайвоний ҳаваслари учун  
навниҳолларни қурбон қиласидиганларни ҳеч  
тушуна олмайман.*

*Жуда кўп нарсалар ҳақида ёзишини истай-  
ман, лекин бошимдан ўтганларни тартиб  
билан тушунтириш учун фикримни жамлай  
олмаяпман. Шу ёшгина чогимда ҳаётим қан-  
чалар пароканда бўлса, ўйларим ҳам шунчалар  
тарқоқ.*

*Қолган жойимдан давом этайин. Балки  
телба-тескари жумлаларимни мактубим-  
нинг адогида тартиби билан тизиб оларсиз.  
Балки бунга ҳожат бўлмас. Чунки йўлнинг  
охирига келиб бўлганман...*

## Танганинг икки томони: яхшилик ва ёмонлик

Сал аввал ҳамшира хонамга келди. Қон олди, нималарни дир текширди. Ҳар куни шу аҳвол. Ғалати, шундайми, устоз, улар мени қутқаришга урингани сайин мен қутқарилишдан қўрқяпман. Яшаши истамаган инсонни қутқаришга ҳаракат қилиш нимаси, ахир?.. Бу мен учун энг катта ёмонлик эканини тушунишмаяпти...

Ҳозир хонамдан ҳеч ким йўқ. Ана энди ёзишни давом эттирсам бўлади. Лекин олдин шу ҳамширалар ва шифокорларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида гапирмоқчиман.

Уларнинг чеҳраси нега бунчалар совуқ, улар нима учун бунчалар меҳрсиз? Инсонни қадрлашни билишмайди. Нимадир айтмоқчи бўлсам, дарров оғзимни ёпишади-я.

Олим бўлиш бошқа, одам бўлиш бошқа, шекилли. Таълим даргоҳларимиз олимларни етиштиради, лекин одамларни эмас. Тўғри, ҳаммаси ҳам бир хил демоқчи эмасман, яхшилари ҳам бор, лекин менга деярли учрамади-да. Ёки гапларим нотўғрими, устоз?

Хозир икки шифокор ҳақидаги хотираларни ёзмоқчиман, улар тўғрисида бугунгача ҳеч кимга оғиз очмаганман.

Биринчиси – ёмон хотира.

Гиёҳвандликка қарши муолажа олишим керак эди. Қолаверса, ичкиликбозликка ҳам муккасидан кетганим учун жигарим безовта қила бошлаганди. Хуллас, даволанишим зарур бўлди.

Бир ўқитувчимнинг ёрдами билан шифохонага ётдим. Афсуски, мени даволайдиган шифокорлардан бири бошимга бало бўлди. Тўғрисини айтсам, хатоларимнинг дастидан менда ҳам соф туйгулардан асар қолмаганди. Аммо бир шифокорнинг bemoriga нисбатан бунчалик жирканч муносабатини асло қабул қила олмасдим.

Гўё менга уйланишни, мени баҳтли қилишни хоҳларди. Кимга уйланмоқчи денг? Банги ва жигари касал bemorga. Бундай гапга ким ҳам ишониши мумкин? Бунақа ваъдаларни кўп эшитганман. Ана шундай ёлғонларнинг касофатидан ёшлигимнинг энг гўзал йиллари алам тўла фожиага айланмадими?..

Шифокор мени безовта қилавергани учун шикоят қилдим, бироқ менга ишонишмади. Бир куни чорасиз қолиб, мени тинч қўйиши учун бақириб-чақирдим. Эшитганлар чопқиллаб келди. Шифокор нима қилиб қўйганини тушуниб, ўзини оқлаш учун ҳам мени урас,

ҳам ўзини жабрдийда қилиб күрсатиш учун жаврарди:

«Бу қиз қутуриб кетибди! Эси оғиб қолибди! Қутқаринглар уни мендан! Мендек орномусли одамни ёмонотликқа чиқармоқчи!»

Тасаввур қиляпсизми? Қайси бемор аёл ўзини даволаётган шифокорга шундай қилиши мүмкін? Қайси мантиққа мос келади бу?..

Дардимни ким ҳам эшитарди. Аслида жабрдийда мен, лекин икки кундан кейин ҳайдаб юборилдім. Устига-устак, даволанишим учун құллаб-қувватлаган устозим ҳам менга рүйхүшлик бермай қўйди. Унга мен ҳақимда бўлмағур гапларни айтишган бўлса керак-да.

Беморларнинг дардларини енгиллаштириш, уларга ёрдам бериш учун давлатдан маош оладиган одамнинг бу қилифини зинҳор ҳазм қилолмадим. Аслида энг катта хатоим одамларни ўзимдек кўришим эди. Ҳар айтилган гапга ишонаверишим ва сохта ҳаракатлар ортидаги бад ниятларни кўра олмаслигимни фўрлигимга йўяман.

Бу масалада Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам ёздим, лекин кузатиб бормаганим учун бирор натижаси бўлмади.

Иккинчи хотирам ҳақида ҳам тўхталай.

Яна жигарим оғриб, касалхонага тушиб қолгандим. Бир меҳмонхона бошқарувчисидим. Бўлимнинг ҳамма ҳурмат қиласиган

ёшгина ёрдамчи шифокори менга эътибор қаратишни истардим, лекин унинг парвойи палак. Мен эса орзуларга берилар, у билан рўёга чиқмайдиган келажак ҳақида ўй сурардим. Ёрдамчи шифокор шунчалар баодоб, шунчалар оғир-вазмин эдики, ичимдагини кошки ташимга чиқара олсам! Очифи, унга бўлган туйфуларимнинг сабаби севги эмас, балки ишонч ва ҳурмат бўлиши ҳам мумкин. Бир куни эрталаб хонамга кириб келди. «Бугун аҳволингиз яхшими, синглим?» деди. Самимийлиги оҳангидан яққол билиниб турар, ҳаётимда бундай одамларга кам дуч келганимдан ҳайрон бўлиб қолган эдим.

Кейин билсам, фақат менга эмас, bemорларнинг барига шундай муомала қиласар экан.

«Сабр қилинг, дард ҳам бир имтиҳон. Иншааллоҳ, сизни гуноҳлардан поклайди. Энг яхши муолажа – кайфиятни кўтариш. Сиз Яратганга сифининг, унга таслим бўлинг».

Эҳ, кошки ҳамма у каби бўлса!..

Қизиқ, менинг ким эканимдан хабар топса ҳам, шундай эътибор кўрсатармикин? Ёки ўйламай-нетмай ўзини гуноҳларга ботирган бир қизга ғамхўрликни раво кўрмайдими?.. Унинг хаёлидан нималар ўтган, билмайман, лекин мен бундай тоза меҳр ва эътиборга қанчалар чанқоқ ва муҳтоҷ эканимни ич-ичимдан ҳис қиласардим. Чунки нуқул сохта севгиларнинг қурбони бўлгандим.

Бир куни яна хонамга келди. Ёнида одат, дагидек ҳамшира бор эди. У ҳеч қачон ёлғиз келмас, ёнида, албатта, бирор ҳамкасби ёки ҳамшира бўларди. Ўзига нисбатан ҳисларимни сезган чофи, беҳуда умидвор бўлмаслигим учун барча ҳамкасларига ўrnak қилса бўладиган сўзларни айтди:

«Сиз жуда ҳам яхши қизсиз. Ўзингиз ҳам биласиз, менинг bemоримсиз, яъни менга омонатсиз. Омонат – алоҳида эътибор билан асраб-авайлаш дегани. Биз чорасиз инсонларга қўлимиздан келган барча ёрдамни кўрсатамиз, бундан бошқа ҳеч нарсани ўйламаймиз. Зоро, бунинг акси менинг ҳаётий қоидаларимга зид. Менинг ҳам рафиқам, синглим бор. Инсон қандай гуноҳ қилса, Аллоҳ унга ўшанга яраша жазо беради. Шундай экан, мендан бошқа нарса кутманг. Инишаллоҳ, тузалиб кетасиз, келгуси ҳаёtingизда яхши инсонлар бўлади. Бунинг учун дуо қиласман».

Ҳа, мана шундай яхши шифокорлар ҳам бор. Биринчи хотирамдаги шифокор ҳам, бу ҳам битта даргоҳда ўқиган, бир хил китобларни мутолаа қилган. Ундей бўлса, бу фарқнинг зеҳним чарчаб қолди, лекин ёш қизлар бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўришсин. Чунки ҳаёт баъзи янгишларнинг оқибатида менга ўхшаб

кутилмаганда ўлимнинг қучоғига тушиб қолиш мумкин.

*Мактубимни шу ерда тұхтатиб турман. Таҳлиллар топшириш учун ҳамшира билан чопа-чоп қилишим керак. Түрган гапки, йүқ мажолим билан...*

*Қайтгандан кейин ёзишини давом эттиришга уриниб күраман.*



## Қўғирчоқ ўғриси



Қизик! Ёзганим сари менга куч келяпти. Менга қулоқ тутадиган, мени тушунадиган кимнингдир борлигини ўйлаш, камида бунга умид қилиш далда беряпти.

Холбуки, рентгенография натижаси ҳам, қон таҳлиллари натижаси ҳам расво чиқди. Умид қилишим мумкин бўлган ҳеч нарса қолмади аслида. Ўзи мақсадим ҳам тезроқ кетиш, илинжлар ҳақида ўйламасам бўлаверади. Хаёлларим шунчалар алгов-далговки, гоҳида ўзимни тушунмай қоляпман.

Аҳволимнинг ёмонлашиши мени ортиқча кутишдан қутқарадиганга ўхшайди. Бунга хурсанд бўлайми ёки хафа, билмайман. Менимча, бу мактубни тугата олмасликдан хавотирдаман.

Болалик йилларим ҳақида ёзишга уриниб кўрмоқчиман. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган қайгули ҳодисалар шунчалар кўпки, ҳозиргача уларни қоғозга тўкишга журъат қилолмаётган эдим. Шу сабабли асосий мавзуга кела олмай, шоҳдан шохга сакраб юрибман. Аввалроқ

мактубим тартиб билан ёзилмаслигини қистириб ўтгандим. Мана, айтганимдек бўляпти. Менимча, бунинг номи мактуб эмас, аралаш-қуралаш ёзувлар йигиндиси. Лекин қарорим қатъий, кучим етгунича ёзаман...

Дардманд ва камбағал отам акам ва менга қарай олмаслигини тушуниб, бизни болалар уйига топширибди. Ўшанда акам икки ёшда экан, мен эса бирда.

Биз атрофимизни ва ўзимизни англай бошлаганимизда теграмизда аллақанча бола бор эди. Кечгача жанжаллашар, бир-биrimizning сочимизни юлардик. Энагалар шафқат, марҳамат, севги нималигини билмайдиган тош юракли аёллар эди. Қачон қарама, юzlари тунд, оғизларидан ҳеч ширин сўз чиқмасди. Кетимизга шапатилаб, қарғаб ҳам қўйишарди: «Минг лаънат сенларга, ҳаром ўлгурлар!»

Мана шундай чидаш қийин, меҳрдан мосуво муҳитда бошланди ҳаётимиз. Ўғрилик қилишни биринчи марта ўша ерда ўргандик. Албатта, бунинг номини ўғрилик деб бўлса. Боламан-да, қўғирчоқларни жуда яхши кўраман, бироннинг қўғирчоғини силаб-сийпалаш учун қучоғимга босганча олиб кетдим. Бу ишим нотўғри ва ўғрилик эканини ҳатто билмасдим ҳам. Энагадан қанча калтак эдим, қанча қарғиш эшилдим, асти сўраманг.

Ҳадеб калтак еяверганимиз учун охири таъсир қилмай қўйди. Инсонга жонини оғритиб

тарбия бериш мумкинми ахир? Осийлиги ортади, нотўғри ҳаракатлари, нафрати ошади... Бу мутлақо нотўғри услуб. Мени рўпарасига ўтиргизиб қўйиб, бироннинг нарсасини рухсатсиз олиш ўғрилик бўлишини тушунтиришни на ўқитувчилар, на энагалар ўзига эп кўрди.

Ўқитувчилик, мураббийлик нималигини тушуммайман, лекин етим болаларни тарбиялаш учун қалтаклашдан фойдаланишни маъқул усул деб ҳисобламайман. Чунки қалтак еганим сари кўпроқ ўғрилик қилдим, қарфиш-ҳақорат эшитганим сари баттар тубанлашдим.

Менимча, болалар уйларида ишлайдиган аёллар албатта она бўлиши, меҳр-шафқат, ачиниш нима эканини билиши керак. Инсофсиз ва bemehr аёллар болаларга тарбия бера олмайди, аксинча уларнинг тарбиясини бузади.

Майли, ортиқча ақллилик қилмай.

Ёшимиз сал улгайиб, акам билан бир-бирилизни қўллаб-қувватлайдиган, бир-бирилизга ёрдам берадиган бўлдик. Отам аввалига тез-тез келиб турарди болалар уйига, кейин эса келишлари тобора камайди. «Ишим кўпайиб кетди, шунга келолмаяпман», дерди. Иши кўплигидан эмас, касаллигидан келолмаган экан...

Отам бизга майиз, лаблаби<sup>3</sup> ва рангли қаламлар олиб келарди. Баъзан майда пул ҳам берарди, лекин пулларимиз ҳеч ўзимизга насиб

<sup>3</sup> Қовурилган нўхат.

қилмас, нуқул ўғирлатиб қўярдик. Шундан кейин биз ҳам ўғирлардик, албатта.

Акам кўнгли бўшроқ бола эди, дарров йифлаб юборарди. Содир бўлаётганларни тушуна бошлагани сайин янада йифлоқилашди. Мен эса ундаи эмасдим. Қаҳри қаттиқроқ, лоқайд ва ҳаддан ташқари қайсар эдим. Энг ёқмайдигани, шунча ҳақоратлаб, пастга уришганидан кейин насиҳатбозлик қилишлари эди.

Гоҳида овқатланиш пайтида бизга мева беришарди. Акам ўзининг мевасини емас, менга олиб келарди. «Мен ўғил боламан, хоҳлаганимча топа оламан. Сен эса қиз боласан, бирорлардан сўраб юришинг мумкин эмас», дерди. Эҳ, ақажоним-а! Менга фамхўрлик қиласарди.

Маъзур туting, ортиқ ёзолмайман. Қачон акам эсимга тушса, юрагим эзилади. Шундоқ ҳам танамда мажолим йўқ, фамларни кўтара олмайман. У менинг ҳаётдаги ягона суюнчиғим, ягона дўстим ва ягона сирдошим эди.

Нима бўлди, деб сўраяпсизми? Бардошим етса, уни ҳам айтиб бераман.

Мен етти яшар эдим, биринчи синфга борардим, акам эса иккинчи синфга. Қиши кунларидан бирида шамоллаб қолди. Бир неча кун мактабга боролмади.

*Мана, яна бўғзимда нимадир тугун бўлжати. Ўзимга келиб олай, кейин ёзаман, устоз. Қийин, жуда қийин... У ҳақида, унинг йўқлиги ҳақида ёзиш...*

Кечки пайт мактабдан қайтганимда, фожианинг устидан чиқдим. Мени ҳаётга боғлаб турган ришта узилибди, умримнинг юлдузи сўнибди, умид шуълам ўчибди, зулматда қолиб кетибман! Оҳ, ҳаёт... Нега бунчалар шафқатсизсан? Нега мендан марҳаматингни дариф тутасан?..

Акажоним икки қаватли каравотнинг тепасидан тушиб кетиб, бошини темирга урибди. Ҳаётдаги ягона умидим нобуд бўлибди. Ёки воқеа бошқача бўлган-у, менга шундай гапириб беришган.

Ана энди чидаб кўр! Бола юрагингга тасаллини қандай топсанг, топ. Энди ҳаётда қайси куч, қайси умид билан қолишинг мумкин? Бир ўзинг бечоралардек яшаб, баҳтли бўла олсанми?..

Ҳаётимдаги энг катта зарба эди бу. Биринчи йўқотганим ўзим умуман кўрмаган онам эди, энди эса меҳрибон акажонимдан айрилиб ўтирибман. Оҳ!.. Агар у тирик бўлганида, ишончим комилки, бу ерда эмас, маликалардек кошонада яшардим. Оҳ!.. Агар у тирик бўлганида, ҳеч бир бадкирдор менга яқинлаша олмасди. Оҳ!.. Агар у тирик бўлганида, фуурли, туйгулари покиза, юзи ёруғ инсон бўлардим.

Ичимда олов алангаланаётгандек бўляпти, устоз. Бундай ёнгин нималигидан хабарингиз борми? Оддий оташдан ёмонроқ куйдиради, буни ичи ёнганлар яхши билади. Қўлим титраяпти ҳозир... Менимча, буни сўзларнинг жумлаларнинг қинғир-қийшиқлигидан кўриб турибсиз. Кучсизланган юрагим яна тез ура бошлади. Йиғлашга кўникиб қолган кўзларимдан бу гал ёш ўрнига қон оқяпти. Нима қилай, қисматим шу экан. Йиғлаш мен учун энг катта тасалли. Зеро, бечораларнинг кўз ёшидан бошқа қудрати ва қуроли йўқ.

Шундай қилиб, болалар уйида ёлғиз қолиб кетдим. Ҳар куни йиғлардим. Йиғлайверганимдан кўзларим икки марта шишиб, қизариб кетди. Шифокорга олиб боришиди. Атрофимдаги катталар шунчалик лоқайд инсонлар эдики, мени юпатиш ўрнига танбех бераб, оғзимни ёпишни маъқул кўришиди. Қўрққанимдан тўйиб йиғлолмайдиган бўлдим.

Ўқитувчиларим орасида фақатгина биттаси мени тушунар, менга меҳрибончилик қиласарди. Жуда ҳам яхши инсон эди. Муаммоларим билан қизиқар, эртаклар айтиб, китоблар берарди. Юраги шафқатга тўла эди. Кейинчалик уни ишдан бўшатишиди, сабабини билмайман. Бундан қаттиқ хафа бўлдим.

Усмон афанди исмли уста ҳам бор эди. Ҳаммамизга оталик қиласарди. Бизга ҳар куни

ширинлик тарқатар, «Асалларим, гулларим», деб әркалатарди.

Хаётимдаги әнг қайгули ҳодисалардан бири ўн ёшлигимда, учинчи синфда ўқиётган пайтим рүй берди. Иккинчи марта бошимга гурзи билан урилгандай бўлди.

Мени директор отамиз чиқарган эди. Болалар уйидаги болаларнинг бари директорни «директор ота» дерди.

Хонасига кирдим. Биринчи марта менга эътибор кўрсатаётганди. Чехраси очиқ, ширин сўзлар айтаётган эди. Сабабини тушуна олмадим.

Нима камчилигим борлигини, нималар кераклигини сўради.

«Қўрқма, қизим, сенга ёрдам бераман», деди. Хоҳишларимни айтдим.

«Хўп, ҳаммасини оламан, – деди. – Сен кучли, жасур қизсан. Сенга қаттиқ ишонаман, келажагинг порлоқ бўлишини ҳам биламан. Ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўта оласан».

Буларни нега гапиряпти, ўлай агар тушунсам. Директор ота айтаётганидек унақа жасур қиз ҳам эмасман, ахир.

Нихоят, ичидагини ташига чиқарди: «Қизим, қаттиқ хафаман, лекин буни билишинг керак... Отанг вафот этибди...»

Директор ота гапини тугатиб улгурмай, бошим айланиб, қулоғим шанғиллай бошлаган эди. Худди хонадаги бутун буюмлар ҳавога

күтарилиб, устимга бостириб келяпти. Деворлару шифт ҳам, эшигу дераза ҳам, хуллас, ҳаммаси айланяпти. Шунчалик тез айланяптики, хонанинг қоқ ўртасида чуқур пайдо бўлди ва пастга қараб думалаб кетдим. Кейин нима бўлганини эслолмайман.

Кўзимни очганимда, икки оқ халатли одам менга қараб турганини кўрдим. Қўлимга томчи дори уланган. Бошим ғувиллаяпти, юрагимдаги таърифи йўқ оғриқ бутун вужудимни куйдиряпти. Ўша куни ичимда ёнган оташ ҳалигача ўчгани йўқ. Бугун ҳам ўша оташнинг ҳароратини ҳис қиляпман.

Ўйлаб кўринг-а, ота-онасидан, акасидан айрилган ўн яшар қизча... Бу дунёда бир ўзи қолиб кетган. Унга тасалли берадиган, уни қўллаб-қувватлайдиган ҳеч зоф йўқ. Худо кўрсатмасин, шу ишлар сизнинг бошингизга тушганида, нима қилган бўлардингиз? Вахимали, қўрқинчли, шундай эмасми?..

Кунлаб туз тотмадим. Бир бурчакка тиқилиб олганча жимгина йиғладим, одамлардан ўзимни олиб қочдим. Озиб-тўзиб кетдим. Ўша йили мактабга бора олмадим, синфда қолдим. Ҳеч ким парво қилгани йўқ. Овқат емабсан, касал бўлиб қолибсан, мактабга бормабсан, кимга қизиқ булар? Нима бўлган бўлса, менга бўлди.

Ўша йилларда ягона юпанчим уста Усмон афанди бўлди. Ҳар куни мени қидириб топиб, сочимни силар, «Асалим, гулим», деб эркалатар

ва ҳар куни битта қанд берарди. Майли-да, шунча азобнинг ичида кичкинагина шуъла ҳам мен учун баҳт нури эди. Усмон афандидан ҳали-ҳануз миннатдорман.

Директор ота қайтиб мен билан қизиқмади. Кейин унга нима бўлганини билмайман, лекин уни кечирмадим. Ўшандан кейин мени чақирмади, ваъда қилган нарсаларини олиб бермади. Шунаقا эътиборсиз одамларни болалар уйига нега раҳбар этиб тайинлашади, тушуниб бўлмайди. Ахир у ердаги болалар энг кўп эътиборга, меҳр-шафқатга муҳтоҷ. Болалар уйига раҳбарлик қиласиган одамнинг юраги севгига лиммо-лим тўла бўлиши керак. Ҳеч кими йўқ болаларга шафқат кўрсатиши, уларга чин юракдан фамхўрлик қилиши зарур.

Ўша даврда мени қаттиқ хафа қиласиган, фуруримни ерга урган яна бир воқеа юз берди. Жуда очиқиб кетганим учун ошхонага бориб, бир бурда нон билан бир тишлам пишлоқ олдим. Пулим йўқлиги учун тамаддихонадан ололмагандим. Ошпаз Комил афанди кўриб қолиб, қўлимдан ушлади-да, тўғри директор ўринбосарининг олдига олиб борди. Ундан умримда эшитмаган ҳақоратларни эшитдим. Бир бурда нон, бир тишлам пишлоқ учун...

«Ўғрилар, тарбиясизлар, беадаблар!..»

Шу воқеани эсласам, ҳалигача қизариб-бўзарив кетаман.

Ахир кичкинагина қиз очиқиб кетмаган, қийин аҳволда қолмаган бўлса, шундай иш

қилиши мумкинми? Булар қандай устоз ўзи? Бола руҳиятини тушунишмайдими? Ўз фарзандлари кўз олдиларига келмайдими? Нима қиласай? Қорним оч, пулим йўқ... Биламан, қилган ишим қоидаларга тўғри келмайди, лекин кечирса бўлади-ку. Ёки бунинг нотўғрилигини ширин сўз билан тушунтиришнинг иложи йўқми?.. Директор ўринбосарининг тутган йўли мутлақо нотўғри эди, менимча. Буни ҳатто хаёлидан ҳам ўтказмаслиги керак эди. Чунки биз уни «ота» деб чақирав эди. Ота дегани боласига шундай муомала қиласидими?..

Болалар уйида бундай ҳодисалар рўй бермаганида, чиркинликларга ўралашиб қолмagan, ҳозир бу мактубни ёзмаётган бўлармидим.

Устоз, у кунлар ортда қолди, бироқ бошқа болаларни ўйлайман. Ўзимнинг аҳволимга қараб, ўша маъсум кичкинтоллар учун хавотирга тушаман. Балки ёзганларимни ўқиб қолишар, болалар уйларидаги вазият ўзгарар.

*Нихоят, болалигимнинг бир қисми ҳақида сўзлаб бера олдим. Лекин хотиралар юрагимни азоблаяпти. Оҳ!.. Ичимда ўчмаган ёнгин бор. Адо бўлдим, устоз, жуда чарчадим. Агар ухлай олсан, сал ўзимга келаман. Балки тушимда акамни, онамни ёки отамни кўриб, бироз овунарман.*

*Агар уйгона олсан, болалигимнинг қолган қисми ҳақида ҳам ҳикоя қилишга уриниб кўраман.*

## Қизил туфли

Устоз, бироз дамолдим. Ёзиши давом эттирмоқчиман, лекин фикрларим алгов-далгов. У ёқдан бу ёққа учиб кетаётгандек. Биттасининг ортидан эргашаман. Кўрамиз, нималар тўкиларкан қаламимнинг учидан қогозга...

Ўрта мактабдаги йилларим ҳам ўзгача эмасди. Лекин атрофимдагилар, айниқса, ўқитувчиларим менинг зеҳним ўткир эканлигини айтишарди.

Ўша йилларда юз берган икки воқеа ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Еттинчи синфда эдим. Дин ўқитувчимиз менинг ҳолатим ҳақида эшитган экан, менга алоҳида эътибор кўрсата бошлади. Вақти вақти билан менга керакли нарсаларни олар, таътил ва байрамларда пул ҳам берарди. Шу ўқитувчимизнинг муомаласи туфайли Аллоҳни ва динни сева бошладим. Зоро, динга нисбатан илк қизиқишим ўша пайтда пайдо бўлганди. Бироқ кейинги воқеалар оқибатида узоқ давом этмади.

Дин ўқитувчимиз ўқишим ва муваффақиятли бўлишим учун ҳар доим қўллаб-қувватлар, шундай дер эди: «Муваффақиятли бўлишинг керак, чунки бошқа чоранг йўқ. Ё муваффақиятли бўласан, ёки ҳаётнинг оғир юклари сени эзиб ташлайди. Ёлғиз қизнинг кун кўриши қийин, шу сабабли кучли бўлишинг зарур. Яхши таълим олишни ўзингга мақсад қилиб ол. Ҳаракат қилсанг, албатта, буни уddeлайсан. Эсингдан чиқарма, кимсасизларнинг мададкори Аллоҳдир. У меҳнаткаш ва яхши ниятли бандаларини асло ташлаб қўймайди».

Ишончим комилки, ўқитувчимиз ҳақ гапларни айтган эди. Аммо ҳаёт йўллари мен учун шунчалик ўнқир-чўнқир, шунчалик машаққатли бўлдики, устозимиз айтган мақсадга эриша олмадим. Ўша ўқитувчимизни ҳозир кўрсам ҳам, унга эҳтиром билан қулоқ солган бўлардим. Ичимда қолган ноёб ҳурматлардан бири, шубҳасиз, унга нисбатандир.

Иккинчи воқеа синфдошим Ойша ва унинг қизил туфлиси билан боғлиқ. Отаси бой бўлгани учун Ойша жуда яхши кийинар, пули ҳам кўп бўларди. Ҳар танаффусда бир нарсалар олиб ер, мен эса узоқдан унга ҳавас билан тикилиб турардим. Чунки ҳеч қачон пулим бўлмасди.

Бир куни Ойша менга жуда ҳам ёққан туфлисини кийиб келди. Қанчалар ҳасад

қилганимни таърифлаб беролмайман. Бир бурчакка ўтиб, яширинча йиғлаб-йиғлаб олдим.

Ичимдаги илк исёним ўша кунларда бошланди. Онгли равишда эмас, албатта. Руҳий ҳолатим түғри фикр юритишимга йўл қўймас, хатоларимни тузатиши керак бўлган ўқитувчиларим эса менга беэътибор эди.



## Ширинлик ичидағи оғы

---

Даҳрийлик ва марксизм түшүнчалари билан танишишимизга сабабчи бўлган одам турк тили ўқитувчимиз эди. Дарсларда нуқул динни ёмонлаб, даҳрийликни ҳимоя қилар ва марксизм ҳақида гапиран эди. Бу ишга азбаройи берилиб кетганидан ҳар дарсда албатта Аллоҳ ва динни бирров ҳақорат қилиб ўтарди.

Ўша ўқитувчининг исми Эрдал эди. У кечки пайт болалар уйига келиб, бизга мевалар, шоколад ва қанд-қурс тарқатарди. Биз эса оғзимиз қулоғимизда, хурсандчиликдан сакраб, «Энг зўр ўқитувчимиз – Эрдал ўқитувчимиз!» деб бақирадик.

Бизни атрофига тўплаб фамхўрлик қилар, кейин сўзлай бошларди. Чиройли ва таъсирчан тарзда, ёшимизга мослаб гапиради. Унинг сўзлари гўёки юрагимиздаги ярага малҳам бўларди. Ҳаммамиз ҳам етим қизлар эдик, ширин сўз ва қўлловга муҳтож эдик.

Үқитувчимиз бундан устомонлик билан фойдаланди.

Ҳозир ўйлаб қарасам, Эрдал үқитувчимиз Аллоҳ, пайғамбар, дин ва Қуръон билан боғлиқ бор тушунчаларимизни зеҳнимиздан ўчиришга роса тиришган экан.

«Инсон дунёга бир марта келади. Кўнглингиз тусаганича яшанг, болалар. Ҳеч кимдан қўрқманг, эркин бўлинг. Ҳаётдан завқ олинг. Ёдда тутинг, бу нотўғри тузум қулаши ва ҳамма тенг ҳуқуқли бўлиб яшаши учун социализмга эҳтиёж бор. Биз келажакда сизлар баҳтли бўлишингиз учун ҳаракат қиляпмиз. Ўша кунлар келганида, барча азобларимиз тугайди. Ҳамма тенг бўлади, ҳеч ким бошқа бирорни эzmайди».

Үқитувчимизнинг шунга ўхшаш сўзлари бизга таъсир қилмай қолмади. Тез орада социалист эканлигимиз билан мақтанадиган аҳволга келдик. Тўғрисини айтишим керак, Эрдал үқитувчимизнинг инсонлар ўлгандан кейин тупроққа айланиши тўғрисидаги фикрини ҳалигача қабул қилолмадим. Янги ҳётим бўлишини, ўлгандан кейин тирилиш ва севганларим билан учрашиши ҳар доим орзу қилганман. Қайта тирилиш, ҳисоб-китоб... Қандай бўлади булар? Ҳеч ким тушунтириб бермади. Ёки кимдир гапирган бўлса, эътибор сизлик қилиб эшитмагандирман.

Яна нималар ҳақида гапирай?.. Эс дегани қолмади-ку менда, қанча воқеаларни ташлаб кетяпман. Мен ёза олмаган күп нарса бор ҳали. Назаримда, ҳозиргача ёзғанларим деңгиздан томчи бўлса-да, мен келтирган мисоллар күп нарсани айтиб турибди.

Чарчадим, озрок дам олишим керак. Вакт ҳам алламаҳал бўлибди. Ўзимга келсам, давом эттираман.

Яхши иш қиляпман, деб ўйлайман. Ёзғаним сари ўзимни енгил ҳис қиляпман. Мактубимни охиригача ёзишга умрим етсин ишқилиб, токи ўқиганлар ўзлари учун сабоқ олишин.

Ҳозирча хайрли тун, устоз.



## **II БОБ**

# **КИМСАСИЗЛАР ТУШАДИГАН ТУЗОҚЛАР**



Хаётнинг қабих, азобли ва хавфли тузоқлари қаршиисида ҳимоясиз ва ёлғиз әдим. Ёшликтаги хаёлларим баъзи ҳақиқатларни кўришимга тўсқинлик қилаётганди. Тажрибасизлигим туфайли тўғри ва нотўғрини бироридан ажратса олмадим.

Ёмон мұхиттега тушиб қолғандым ва атрофимдаги бад ниятлиларга қарши чиқишим қийин бўлди. Ёруғ кунларни кўрмасимдан зулмат ва умидсизлик бостириб келди...



## Иккиюзламачилар

Мактуб ёза бошлаганимнинг иккичи куни. Ҳозир соат эрталабки ўн. Кундалик текширувлар тугади. Соат биргача ҳеч ким келмайди, яъни мактубимни бемалол ёза олишим учун уч соат вақтим бор.

Бугун кунни яхши бошладим. Менимча, кеча ичимдагиларни қогозга тўйкканим учун енгил тортдим. Ўлимга яқинлашаётib енгил тортиш ҳақида гапириши галати, шундай эмасми? Оч одамнинг очликка тўйганига ўхшайди...

Майли. Фикрларимни жамлаб, ёзиши давом эттиришим учун ажойиб фурсат. Яна чалкашиб кетмасимдан ишига киришай.

Оҳ, лицей даврим!.. Умидларим бошланмасиданоқ тугаган, ҳаётим хатоларга асир бўлган,

мен туби йўқ қудуқларга тушиб кетган ваҳимали йиллар...

Кошки бу туш бўлсаю уйғонганимдан кейин ўтиб кетса. Кошки ўша ғавғолар умуман бошимга тушмаган бўлса. Иккиюзламачилар ва юраги тош қотганлар изғиб юрган, кимсасизлар худди ҳимоясиз оҳулардек нишонга олинган, энг муқаддас туйфулар ҳам топталган лицей йилларим...

Кўп ўйлайман, балки хат-саводдан бехабар қишлоқлик бўлганимда яхши эмасмиди. Қўйқўзилларим, кулбасифат уйим бўлганида... Ўша кичкинагина уйимда бир неча фарзандим ва сал бўлса-да, мени тушунадиган турмуш ўртоғим бўлганида...

Шундай камтарона ҳаёт ҳозирги кунларимдан, умидлари саробга айланган аҳволимдан минг марта яхши. Оҳ, бўлмади!.. Ҳа, бўлмади, лекин нега ҳали ҳам орзу қиляпман, билмайман. Онг остимнинг қайсиdir бурчагига яшириниб олган соғинчим ўзини шу тариқа билинтиряпти шекилли. Чиқмаган жондан умид узилмас, деган гап шундай ҳолатлар учун айтилгандир балки.

Мен эслашни умуман истамайдиган, энг оғриқли, қайғуларга бой даврдир лицей йилларим.

Покиза онадан туғилган боланинг маъсумияти ғаддорлар томонидан қатл қилинган йиллар.... Менинг манфур хатоларим...

Ўсмирлик даврининг чалкаш йўллари...  
 Ҳамма нарса чиройли кўринган, ҳар ёлғончи севгига чиппа-чин ишонилган палла... Янглиш дўстликлар, панада пойлаб турган шафқатсиз одамлар... Буларниң барига ҳеч кими йўқ қиз қандай қарши чиқиши мумкин?..

Синфдош қизларга маза эди: янги кўйлаклар, ажойиб соч турмаклари, хилма-хил атиrlар. Ёш қиз мақтанинадиган нарсалар-да булар. Хўш, мен-чи? Ҳаммасидан маҳрум эдим, синфдош қизлардан ўзимни тортиб, бир бурчакда ёлғиз ўтирадим. Ким билан, нима ҳақида гаплашишим мумкин? Улар билан умумий жиҳатларим йўқ. Гапни нимадан бошласам бўлади? Онамниң қанчалик жаҳли чиққаниданми ёки отамниң қанча пул берганиданми? Кечқурун келган меҳмонларданми? Балки вақт алламаҳал бўлганида кабобхўрлик қилганимиздан гапи-рарман? Ёхуд машинада шаҳарни айланиб чиққанимизданми? Нимани сўзлайман?..

Ҳеч бир даврага қўшила олмас, қўшилсан ҳам, ўзимни бошқалардек тута олмас эдим. Ҳаётим уларникидек эмасди.

Ягона дугонам партадошим Амина эди. Отаси бошланғич мактабда ўқитувчи бўлиб ишларди. Тежамкор ва тартибли қиз эди. Зийрак ҳам эди. Ҳавф қайси томондан келишини яхши биларди. Оиласида яхши тарбия олганди. Аминанинг сиполиги айрим қизларга ёқмас, «Бизниң ишларга сенинг ақлинг етмайди, сен

ўтган асрда қолиб кетган қизсан», деб уни қалака қилишарди.

Амина менинг ҳам ўзи сингари эътиборли, тартибли ва ақлли бўлишим учун кўп уринди. Менга китоблар берарди, уни хафа қилмаслик учун олардим, лекин бирортасини ҳам ўқимасдим.

Ўша йилларда ҳаётдан завқ олиш, кўнгилхушлик қилиш ва мен маҳрум бўлган баҳт уммонида сузиш ўрнига «дин» ва «Аллоҳ» тушунчалари ҳақида бош қотириш менга мутлақо қизиқ туйилмасди. Турк тили ўқитувчимизнинг Аллоҳга ва динга қарши фикрлари зеҳниятимни аллақачон остин-устин қилиб бўлганди.

Кунлардан бирида Амина мени уйларига олиб борди. Онаси жуда яхши кутиб олди. Турфа таомлар, ширинликлар тайёрлабди. Баҳоли қудрат ўгит ҳам берди, нималар дегани ҳозир аниқ эсимда йўқ. Кетаётганимда қўлимга бир халта тутқазди. Очиб қарасам, ичида шиппак, пайпок, сочиқ, қанчадир пул бор. Қаттиқ таъсирландим. Берилган совфа ёки онасининг эътиборидан эмас, оилавий ҳаётнинг тафти, онали бўлишнинг ажойиблиги, яқин ришталардан... Менга етишмаётган, мен соғинган, тушларимга кирадиган нарсалар мана шулар эди. Оҳ, онажон! Сизни қанчалар соғинганимни билсангиз эди!..

\* \* \*

Лицейда яхши дўстлар орттира олмадим. Ёлғизлигим ва чорасизлигимни билган йигитлар ҳоли-жонимга қўймасди. Баъзиларини яхши танир эдим, мақсадлари шунчаки вақтичоғлик қилиш, холос. Менга маъқул, яхши йигитлар эса мен томонга қиё боқмасди. Яъни ёнимда яхшилар йўқ эди, ёмонларнинг ёнида бўлишни мен истамасдим.

Инқиlobчи ёшлар йифиладиган кафеларга борардим. Уларнинг сухбатлари, исёнлари, терс ҳаракатларини ёқтирадим. Ёлғизлигимга ана шуни чора деб билдим. Бу беҳаловат ҳаётга қарши исён кўтариш, ҳаётдаги кўнгилсизликларга қарши чиқиш худди қасос олишдек туйиларди менга. Маъниси йўқ чиқишлардан, шиорлар кўтариб бақириб-чақиришлардан енгиллагандек бўлар, шу тариқа ичимдаги оловни ўчиришга уринардим.

Адолат, ҳақ-ҳуқуқ, тенглик ҳақидаги шиорлар ёқимли эшитилар, томирларимдаги қонни тобора кўпиртиради. Ҳамманинг яхши яшashi ва ишлаши, тиббий хизмат ва таълимдан ҳамманинг фойдалана олиши ҳақидаги гаплар чиройли янгарди. Бу ерда гуноҳ, жаҳаннам, Аллоҳ, фаришталар сингари инсонни маълум чегараларда ҳаракат қилишга

ундайдиган, ҳаётини тартиб-интизомга соладиган тушунчалар йўқ эди. Ҳаётимизда бўйсуннишимиз керак бўлган маънавий кучнинг таъсири йўқлиги туфайли ўзимизни эркин ҳис қилар ёки шу тариқа овонардик. Бундан ҳам муҳими, мендек кимсасиз қиз учун буларнинг бари таҳлика эмас, илинждек кўринарди. Жилла қурса бу ердаги ёшлар мени инсон ўрнида кўрар, қадрлашар эди. Ҳар ҳолда, мен шундай деб ўйлардим. Кетма-кет хатога йўл қўйганимни тушуниб етганимда эса жуда кеч бўлганди...

Атрофимдаги иккиюзламачи ёшлар баъзан ҳаддидан ошиб кетганида уларга қаттиқ қаршилик кўрсатардим. «Қўйсанг-чи шу уят-номус деган ишларни. Эркин бўл, хоҳлаганингдек яша», дейишар, мен эса таклифларини қатъиян рад этиб, рўйхушлик бермасдим. Шу йўл билан ўзимни асрамоқчи бўлардим.

**Эҳ, бечора Айсел!..**

Шундай муҳитга тушиб қолган эдимки, истасам ҳам, истамасам ҳам, ўзимни асрой олмаслигимни ўзим ҳам билмасдим. Тўрт томонини душманлар қамал қилган чорасиз қиз эдим мен. Кимнинг дўст, кимнинг душман эканини фаҳмлай олмасдим.

## Чиройли тушларни қоплаган зулмат

Олдимдаги аёвсиз тузоклардан хабарим йўқ, ҳаёт учун қўлимдан келганича курашаётган эдим.

Мен учун янада андуҳли кунлар яқинлашаётганини билмасдим. Ҳаётим бунчалик остин-устун бўлиб кетишини, умидларим ер билан яксон бўлишини умуман хаёлимга келтиргандим. Ўйлаб ўтирмай мен қўшилган муҳит аслида келгусида нималарга тўқнаш келишим мумкинлигини кўрсатиб турганди. Лекин ёшлидаги қизиққонлик ва фўрлик туфайли буни сезмай қолдим, қолаверса, менга ўгит берадиган одамнинг ўзи йўқ эди.

Ўша воқеа... Жин урсин! Қачон эсимга тушса, асабим қақшайди. Воқеанинг ўзидан эмас, унинг қандай юз берганидан жаҳлим чиқади.

Пуч хаёлларнинг ортидан қуваётган эдим яна. Ичимни куйдирган, ҳеч кимнинг хабари бўлмаган ҳис... Кимга нисбатан дейсизми? Таниқли бой оиланинг боқибегам ўғлига нисбатан. Худди фильмларидаги каби...

Гапга уста, тўғрироғи, бемаъни гапларнинг устаси, бой ва кибрли. Мен эса оддий бир қиз. Бу фильмнинг охири кўнгилсизлик билан тугаши бошиданоқ маълум эди, лекин мен аҳмоқнинг ақли бунга етмади.

Чоғдош, маъсумиятининг қотили бўлган ўша йигит, ким билади нечта қизнинг ҳаётини заҳарга айлантирган экан. У олғир овчи, мен чорасиз ва ҳимоясиз оҳу...

Расм чизишга қизиққаним учун расм ўқитувчимиз тузган гурӯҳга қўшилган эдим. Гурӯҳнинг сардори эса таниқли сиёsatчи ва тадбиркорнинг ўғли Чоғдош эди.

Лицейнинг олд ўқувчиларидан бири эди у. Ҳар қандай тадбирнинг бошида, албатта, Чоғдош бўларди. Пули кўп бўлгани учун ўқитувчилар ҳамма ишни унга қилдиришарди. У ҳам ҳамма ишга бурнини суқиб юради.

Ақлимга сўзим ўтмай, унга кўнгил қўйдим... Амина неча марта огоҳлантириди мени. «Яхши бола эмас, эҳтиёт бўл», деди. Нима қилай, жоҳил эдим. Ота-онам, йўл кўрсатадиганим бўлмагани учун ҳар қандай хавфга очиқ ҳолатда эдим. Қолаверса, ўсмирликнинг таъсирида қулогимга ҳеч бир насиҳат кирмасди. Ҳамма нарсани биламан, деб ўйлардим.

Эсимни таниганимдан бери расм чизишга иштиёқим бор. Қўлимга қалам тушиб қолса, албатта, уй расмини чизардим. Кўпинча оила расмини ҳам. Бу ичимда ҳеч қачон босилмаган

соғинчнинг ҳикояси эди: ё расм чизиш, ёки она ҳақида шеър ўқиши... Чоғдош ана шу томонимдан фойдаланди.

Расм баҳонасида тез-тез кўришадиган бўлдик. Шунчалик яқинлашиб кетдикки, турмуш қуриш, биргаликдаги келажагимиз ҳақида гаплаша бошладик. Ўқиши тугаши билан менга уйланишини, мен эса баобрў оиланинг келини бўлишимни айтарди. Унинг гапларига чиппачин ишонибман. Кўр эканман, бурнининг тагини кўра олмайдиган даражада кўр...

Амина яқинлашаётган таҳликани жуда яхши сезган эди. Етим, ҳеч кими йўқ қизнинг ҳаёти янада ёмонлашмаслиги учун роса овора бўлди. Имкон топиши билан мени асрашга уринди. Аминага қулоқ солиш ўрнига уни хафа қилиб қўйдим. «Сенда бундай имконият йўқлиги учун ҳасадинг келяпти, тўғрими?» дедим...

Чоғдош шанба куни мени уйига таклиф қилди. «Мен чизган расмларни кўриш учун қизлар келади. Кейин бирга чойхўрлик қиласиз», деди. Хаёлимга умуман ёмон нарса келгани йўқ, таклифини қабул қилдим.

Йигит билан қиз ёлғиз қолса, учинчиси шайтон бўлади, дейишади. Жуда тўғри гап...

Мени беҳузур қиладиган ўша хотирамнинг яна нимаси ҳақида гапирай?.. Бошқаларга имон ва Қуръондан дарс берган онамга хиёнат қилган ҳолда чиқдим ўша уйдан. Бу хатоим шунчалар катта эдики, ўзимни асло кечира олмадим.

Бақириб-чақирсам, бошимни девордан де-  
ворга урсам, ким эшитади? Кимнинг раҳми  
келади менга? Мен бой берган орзулар ва  
умидларни ким қайтариб бера олади? Тушуниб  
тургандирсиз, Чоғдош мени зўрлади. Бу воқеа  
мен учун ҳақиқий фалокат бўлди. Илк бор  
ичимдаги қаршилик кучи, яшашга бўлган  
иштиёқим, орзуларим ва чиройли тушларим  
тамом бўлганини тушундим.

Овозимни қўшнилар эшитгани аниқ, лекин  
ҳеч ким ёрдамга келмади.

Покиза руҳим, бор чиройим, келажак би-  
лан боғлиқ ўйларимни ўша уйда қолдириб  
чиқдим. Қетаётганимда қўшнилар менга қараб  
турганди. «Ўз оёфинг билан келгансан, оқибати  
шунаقا бўлади-да», деётгандек эди улар.

Нафас олаётган ўликка айланиб қолгандим...





## Үлиб ҳам бўлмайди...

Болалар уйига қайтгунча нақ уч марта ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим – машина йўлига ўзимни ташладим. Жуда қийин экан ўлиш. Буни қарангки, ўлмоқчи эдим, лекин ўлолмаётгандим.

Энди яшай олмасдим, лекин машиналар мени босиб кетмади. Бирданига тормоз бериб, айланиб ўтиб кетди ҳаммаси. Йўлларда қанчадан-қанча тўқнашувлар бўлади, қанчадан-қанча одам ўлиб кетади, нега мен ўлмаяпман?..

Болалар уйига келдим. Эс-ҳушим ўзимда эмасди. Кунлаб овқат емадим, ўқишга ҳам бормадим.

Ягона дугонам Амина экан. Неча марта лаб ёнимга келди. Ўқиши ташлаб кетмаслигим учун ялиниб-ёлворди. Ҳатто бир марта онасини ҳам олиб келди.

Лекин мен учун ҳамма нарса тугаганди. Ягона чорам бу гуноҳкор танамни қабристоннинг бирор четига кўмиш эди. Бу дунёдаги каби ўликлар орасида ҳам ёлғиз бўламан. Ким

биландир дўст бўлишга ҳаққим йўқ энди, бу имкониятимни аллақачон бой бердим.

Амина бу аҳволимнинг сабабига қизиқаётган эди. Қистайвергач, охири бўлиб ўтган воқеани айтиб бердим. Амина айнан шу фалокат ҳақида қайта-қайта огоҳлантирган эди, кўзимнинг кўрлигидан, мана, бошимга тушди.

Охирги умидим Чоғдошнинг отасидан эди, бўлиб ўтган ишни айтиш учун олдига бордим. Ўғли менга қўйган тузоқ ҳақида йифлай-йифлай гапириб бердим. Балки раҳми келар, мени бу мушкул вазиятдан қутқарар, деб ўйладим. Аммо янглишган эканман – Чоғдошнинг отаси устимдан кулди. «Ўзингга эҳтиёт бўлгин эди», деди уятсизларча.

Бундай жавобни кутмаганим учун баттар йифлай бошладим. У кутилмаганда шарт ўрнидан турди-да, менга қараб ўшқирди: «Даф бўл бу ердан! Акс ҳолда ҳозир полиция чақираман, сени фоҳиша деб қамаб қўйишади».

Ташқарига чиқиб, йўлкада йиқилиб қолдим. Бутун вужудим лов-лов ёнаётгандек эди гўё. Алам деганлари шу бўлса керак. Қип-қизил чўғнинг устида жизғанак бўлаётган эдим. Ўша пайт хаёлимга фақат битта нарса келди – ўлим.

Амина ҳар доим такрорлайдиган бир гап бор эди: «Агар одам Аллоҳдан қўрқмаса ва қилган ишларига жавоб беришни ўйламаса, ҳар қандай хатога, ҳар қандай ёмонликка қўл уриши мумкин».

Дугонамнинг сўзлари тўғри эканини тушундим, лекин энди кеч бўлганди.

Мана, ҳозир ҳам ичимдаги ўчмаган излар, мен даволай олмаган жароҳатлар мени ўтмишга қайтаради, ўша воқеа қайта-қайта бошимга тушгандек бўлиб, яна азобланавераман.

Чоғдошнинг қабиҳлигидан кейин охирги чора сифатида Аллоҳга сифиндим. «Марҳаматингни мендан дариг тутма, Худойим, — дея дуо қилдим. — Сенга исён қилган бўлсам-да, Сендан бошқа мададкорим йўқ. Кимсасиз қолиб кетган бу бандангнинг ичи куйяпти. Уни ҳимоя қиласиган ҳеч ким йўқ. Ўзинг ёрдам бер!»

Қизифи, дуоларим қабул бўлди. Тез орада мен ҳали ҳам тагига ета олмаган, тушуна олмаган воқеалар содир бўлди. Аминанинг айтишича, бу Аллоҳнинг адолати эди.

## Менинг чекимга хиёнат, уникига ўлим тушди

Ўз жонимга қасд қилиб ўлолмаётган эканман, мендан аввал Чоғдош ўлиши керак эди. Уни мана шу қўлларим билан ўлдирсамгина енгил тортишим мумкин, деб ўйладим. Акс ҳолда телба бўлиб қолишим мумкин эди. Шундай қилиб, ўзимча Чоғдошни гумдон қилиш режаларини тузишга киришиб кетдим.

Бир куни ётоқхонага Амина кириб келди. Шошганидан ҳаллослаб қолибди.

– Дуоларинг қабул бўлди! – деганча мени қучоқлаб олди.

– Нима бўлди? Тинчликми?

– Чоғдошнинг ўлигини топишибди!

Ўтирган ўрнимдан сапчиб туриб кетдим. Ўзимни йўқотиб қўйгандим.

– Ростданми? Тўғрисини айт, илтимос! Биласан, на алданишга, на овутилишга кучим қолган.

– Рост. Уйидан ўлик ҳолда топишибди. Ис газидан заҳарланган дейишяпти, лекин анифии билмайман.

Ўшанда ҳаётимда балки биринчи марта «Сен буюксан, Аллоҳим!» дея ҳайқирдим. Шаҳар

бўйлаб юурганча бу хабарни ҳаммага ет, казиши истадим.

Гўё мен даҳрий эдим. Қийин аҳволга тушиб қолганида, Аллоҳни эслайдиган даҳрий. Менинг фалсафамга кўра, ҳамма нарса моддадан иборат ва динга ўрин йўқ, аммо юз берган ҳодиса ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдиган ҳақиқат эди. Тўғриси, охирги воқеаларнинг сирини тушуна олмаётгандим, аммо ишончим комил эдики, менга қилинган зулмни қандайдир бир қудрат кечира олмади.

Чоғдошнинг ўлими азобларимнинг чораси эмасди, лекин энди тирик эмаслиги кичкинагина юпанч бўлди мен учун.

Ўтириб ўкирганча йифлай бошладим. Бу бир ҳайратнинг, бир интиқомнинг, бир гинанинг кўз ёшлари эди. Бундан кейин ҳаётга мослашишим керак эди. Чилпарчин бўлган умидлар ҳам, йўқотилган туйфулар ҳам энди қайтиб келмайди...

Амина ва оиласининг қўллаб-қувватлаши билан ўқишга қайтдим. Ўша куни Чоғдошнинг жанозаси бўлаётган экан. Тобутини лицейга олиб келиб, маросим ўtkазиши. Ҳамма унинг яхши йигит ва намунали ўқувчи бўлгани ҳақида гапиради. Неча марта ўртага отилиб чиқиб, беномуслигини айтмоқчи бўлдим, лекин Амина қўлимни умуман қўйиб юбормади. Бирор телбалик қилиб қўйишим мумкинлигини билар эди.

Кимлардир Чоғдош учун кўз ёш тўкяпти, менинг эса ғазабим қайнаган.

Ўша куни кечқурун Амина мени уйларига олиб кетди. Унинг оиласига боришини истамасамда, дугонамнинг раъйини қайтаргим келмади. Энг қийин кунларимда айнан Амина ёнимда турди, динга нисбатан совуқлигимни билгани ҳолда мени ёлғиз қолдирмади. Вақти-вақти билан диндорларга яқинлашишимнинг сабаби шу эди.

Очиғи, мен каби ўйлайдиган дўстларимнинг назарида қадрим унчалик баланд эмасди, улар менинг ўзларидек ҳаёт кечиришимни исташарди. Лекин инсон дегани ор-номуси билан яшashi, ҳар қандай хиёнатнинг номи «кўнгли тусаганча яшаш» бўлмаслиги керак. Айниқса, қиз бола иззатли ҳаёт кечириши учун баъзи нозик жиҳатларга эътибор қаратиши зарур. Ана шу фикрларим уларга ёқмасди.

Амина диндор дугоналари билан эмас, мен билан юрарди. Билардим, эътиқодига кўра, муҳим ишни бажараётганди. Мени имонга қайтаришни истарди, кошки бунинг уддасидан чиққанида эди...

Хуллас, дугонамнинг уйига келдик. Амина Чоғдошнинг қилган ишини ҳеч ким айтмасликка ваъда берди ва ваъдасида турди. Ўша шармандалиқдан ҳали ҳам ҳеч кимнинг хабари бўлмаганига кўра, демак, ростгўй қиз экан.

Унинг ўрнида ҳамфикрларим бўлганида, биринчи кундаёқ ҳар томонга ёйишарди.

Диндорларнинг менга ёқадиган бир томони мана шу – берилган сўзнинг устидан чиқмасликнинг жазосини борлигини билишади. Бизниkilарчи? Ҳа, майли, кўп ковлаштиrmай.

*Яна бошқа томонга чалгib кетдим, тўғрими? Азобларим мени дам чап томонга тортади, дам ўнгга... Мана шунақа, ҳаётда юришини билмаган одамнинг ўйлари ҳам тойиб кетаверади...*



## Халос бўлишга уриниш

Аминанинг онаси мени жуда яхши кутиб олди. Жуда ажойиб хонадон, ҳар томони ҳузурга тўла. Бақириб-чақиришлар, сўкинишлар, хиёнат ва тузоқлар йўқ. Ўзини хавфсиз қўрғонга тушгандек ҳис қилади инсон.

Онаси мени меҳр билан қучоқлади. «Хуш келибсан, қизим», деб пешанамдан ўпиди қўйди. Ўша лаҳзаларда она меҳрининг тафтини ҳис қилгандек бўлдим. Хаёлим онамга кетди. Агар тирик бўлганида, мени ҳам шундай кутиб олган, мен учун таомлар тайёрлаган бўларди. Унинг иссиқ қучоғида ҳеч қачон ётмадим, юзларидан ҳеч қачон ўпмадим. Оҳ, онажон, оҳ!.. Кошки тирик бўлсангиз! «Қизим, болажоним», деб мени эркалатсангиз. Бу овозни эшишишга қанчалар муштоқлигимни билсангиз эди...

Аминанинг онаси Онадўли овқатларидан пишириби. Ҳаммамиз дастурхонга ўтирдик. Аминанинг онаси атрофимда парвона эди.

– Мана бундан ҳам ол, қизим! Шундан ҳам еб кўргин!

Барча оналар шунаقا меҳрибон бўлса керак...

– Отанг бирор ёққа кетдими? – дея сўрадим Аминадан.

– Биз bemalol овқатланиб олишимиз учун келмади.

Фаҳм-фаросат дегани мана шу бўлса керак. Овқатланиб бўлгач, залга ўтдик. У ерда каттагина кутубхона бор экан. Шу пайтгача бунчалик кўп китобни кўрмаганман. У ёқ-бу ёққа аланглаб турганимда, Аминанинг отаси кириб келди.

— Хуш келибсан, қизим, — деди кулимсираб. Лекин қўлинни узатмади.

Ҳол-аҳволимни сўради. Мен билан суҳбатлашишга, менга чиройли муомала қилишга уринаётган эди.

— Қизим, сени меҳмон қилишни Амина жуда ҳам хоҳлади. Мен ҳам хоҳладим. Мен ўқитувчиман, сен ҳам менинг ўқувчим ҳисобланасан. Қолаверса, Аминанинг дугонаси бўлганинг учун менга қизим қаторидасан. Мен етимликда катта бўлганман. Болалигимдан ишлашимга тўғри келган, жуда кўп қийинчилик кўрдим. Чидадим ва сабр қилдим. Ҳеч бир меҳнат беҳуда кетмайди. Ишончим комилки, сен ҳам олдингдаги машаққатларни енгиб ўтасан ва ҳаёting чиройли бўлади. Бугундан бошлаб уйимнинг эшигини қизим сифатида сенга ҳам очишни истайман. Муаммоларингни ҳал қилишга ёрдам бермоқчиман. Тез-тез келиб тур, буни рафиқам ҳам хоҳлайди. Дардларингни, албатта, бизга айт, қўлимииздан келганича сенга кўмаклашамиз.

«Қандай яхши инсонлар!» деган ўй ўтди хаёлимдан. Лекин уларнинг қаттиқ диндорлигидан безовта бўлаётган эдим. Бунақа жойларда

дарров сиқилиб қоламан. Мен сигарета чекишига, бақириб-чақиришга, сўкинишга ўргангандизман, ахир. Мулойимгина, одобли бўлиб ўтиришим қийин.

Аминанинг отаси сўзларини давом эттирди:

– Ҳаётда иккита муҳим нарсага амин бўлдим. Биринчиси шуки, дунёда катта муваффақиятга эришган одамларнинг аксари аввалида камбағал, қўли калта бўлган. Улар қийинчиликларга қарши тинмай курашиб, муваффақият сирларини ўрганишган ва юксак чўққиларни забт этишган. Сен ҳам ўзингга сўз бер, олдингга бир мақсад қўй. Режали ишла, вақтдан унумли фойдалан. Ана шунда муваффақиятга эришишингга ишонаман. Режали ишлаш масаласида ёрдам беришим мумкин. Яна бир гап: ютуқларни қўлга киритишинг атрофингдаги одамларга ҳам боғлиқ. Агар дўстларинг муваффақиятсиз кишилар бўлса, бу ҳақда ўйлаб кўришинг керак.

Иккинчи жиҳат шуки, ҳаётда нимагадир эришишни, ҳузур ва бахтни қидирган одам аввал ўзини англаб етиши, нималарни қадрлаётганини ва нима учун яшайтганини тушуниши зарур. Акс ҳолда ютуқлари ўткинчи бўлади, фойда бермайди. Шу саволларни ҳар куни ўзимизга беришимиз керак: «Мен кимман?», «Нима учун яшаяпман?», «Қаердан келдим ва қаерга кетяпман?», «Бу дунёни ва унинг ичидагиларни бизга хизматкор қилиб қўйган қудрат эгаси ким?»

Дунёни англашга уринаётган, мавҳумликлар ортидан қуваётган инсон ўзини қандай ҳис қиласди? Бошқаларнинг камчиликлариға қизиқадиган киши ўзининг камчиликларини қанчалик билади?

Масалага қуйидаги нуқтаи назардан ҳам қарасак бўлади.

Бир куни эрталаб уйғонганимизда, коинотнинг аллақайси бурчагида ва мутлақо нотаниш дунёда, биз аввал умуман кўрмаган махлуқлар орасида бўлиб қолсак, ҳеч нарса бўлмагандек ҳаётимизни давом эттиришимиз мумкинми?

Ҳа, кўзимизни очганимизда ўзимизни бегона дунёда кўрдик. Ҳар томони ажабтурликларга тўла, рўёлар олами бу. Қуёш бунчалар чиройли чиқадиган ва ботадиган бошқа сайёра йўқ бу коинотда. Ҳар сонияда ўн минглаб тонна сув самога кўтарилиб, яна шунчаси ерга ёғадиган, осмонида бир-биридан чиройли қушлар қанот қоқадиган, ерида ранго-ранг гиламлар тўшалган, шифти юлдузлар билан безатилган бошқа жой йўқ. Дарёлар, тоғлар, денгизлар, қирлар, чўллар ва ажойиб гўзалликлар бор бу ерда. Овозлар ва муаттар исларнинг ўзи алоҳида олам. Атрофимизда хилма-хил жониворлар юрибди.

Ана шундай дунёга келдик биз. Кунларнинг бирида кўзимизни шу ерда очдик. Вақти соати етганида эса бу рўёлар оламини тарқ этамиз.

Бу дунё ва коинот ҳақида «Булар ўзи нима?», «Қандай пайдо бўлган?» сингари ўнлаб саволларни сўраймиз. Лекин кунда неча марта ўзимизга «Мен кимман ва нима учун яшаяпман?», «Қаердан келдим ва қаерга кетяпман?», «Мен қандай яралганиман?» деган саволларни берамиз?

Инсон аввало ўзини таниши, ўзини саволга тутиши, ўзи билан боғлиқ мавҳумликларга жавоб қидириши керак эмасми? Инсон бўлишнинг илк шарти шу эмасми?..

Инсон хавотирлардан халос бўлиши, ўзининг ким эканини тушуниши учун мана шундай саволларнинг жавобини қидириши зарур.

Ким эканини билмайдиган, ўзини танимайдиган одам ҳаётда қандай қилиб ҳузур-ҳаловатга, бахтга эришади?..

Аминанинг отаси ўзича мулоҳаза юритаётган эди, лекин унинг гапларини тинглаб, тафаккур қилиб кўрадиган аҳволда эмасдим. Бундай жиддий мавзулар менга унчалик таъсир қила-вермайди. Бемор одамга энг лаззатли таомларни олиб келсангиз, уларни иштаҳа билан паққос тушириши мумкинми?.. Бу жиддий мавзулар мен учун ана шундай эди.

Аминанинг отаси гапни қаерга олиб келишини яхши биламан. Менга «Яхши banda бўл, Аллоҳнинг айтганини қил, акс ҳолда бахтли бўлолмайсан», демоқчи.

Лекин эътирозларим бор. Табиатан исёнкорман, менга мантиқсиз туйилган нарсаларни

жимгина ўтириб эшила олмайман. Натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, албатта, баҳслашаман. Шу феълим туфайли гуруҳимиздагилар билан неча марталаб тортишганман, уларнинг гап-сўзлари менга маъқул келмаяптими, дарров эътиroz билдирганман.

Яна эътиroz билдиromoқчи эдим, лекин мени шунчалар чиройли меҳмон қилишдики, айб бўлмасин, деган ўйда оғзимни очмадим. Демак, ўша пайтда ҳали ҳам айб нималигини билар эканман.

Ҳа, биринчи марта айтмоқчи бўлганларимни ичимга ютдим. Илк бор айтолмаганларим учун пушаймон бўлмадим.

Лекин чўзилиб кетган ваъздан сиқила бошладим. Аминанинг отаси ўзича тўғри нарсаларни гапираётган, бироқ бирорта гапи менга таъсир қилмаётганди. Менинг зулмат қоплаган дунёим бундай гап-сўзлар билан ёришишга ҳали тайёр эмасди.

Хуллас, зерикиб кетдим. Аминанинг отаси буни сезди чофи, гапини тугатиб, хонасига кириб кетди.

Дунёимдаги пўртаналар, оғритаётган жароҳатлар ва мен учраган зарбалар ҳаловат тошишимга тўскىнлик қилаётган эди. Ҳудди катта ярани даволаш учун сурилган малҳам жазиллатганидек, тўғри гаплар менга оғир ботарди.

## Уддасидан чиқишим зарур...

Лицей давримда мени руҳлантирган, қўллаб-қувватлаган инсонлардан бири математика ўқитувчимиз Билол бей эди. Менга кўп ғамхўрлик қилди, кўмаклашди. Бир куни турмуш ўртоғи билан келиб, бошдан-оёқ кийим олиб беришди.

Рафиқаси рўмолли аёл экан. Менинг диндан узоқ қиз эканимни эшитган, шекилли, «Ўзини қидирган одам»<sup>4</sup> деган китобни совфа қилди. «Ўқиб кўр, фойдаси бўлади, – деди. – Бу китобда Аллоҳ, охират ва шунга ўхшаш мавзулар илмий жиҳатдан ёритилган. Шубҳаларингга жавоб топасан».

Бир варактаб кўриб, бир бурчакка итқитдим китобни. Жиддий мавзулар ҳаётида маъно бор кишиларнинг иши, менга ўхшаган оддий инсонларнинг иши эмас...

Ўқитувчимиз Билол бей бир йил давомида ҳар ҳафта менга математикадан дарс берди. Шундай қилиб, математикадан билимим мустаҳкамланди, ўзимга ишончим ортди. Қаттиқ меҳнат қилиб, мени хафа қилганлардан муваффақиятларим билан қасос олишни дилимга тугиб қўйдим.

<sup>4</sup> Ушбу китоб “Мисбах” жамоаси томонидан ўзбекчага ўтирилган ва чоп этилган.

Дарстайёрлашга киришиб кетдим. Аминанинг отаси кундалик режа тузишимга ёрдам берди. Тез орада натижага эриша бошладим, ўқи-түвчиларимнинг тилига тушдим.

Охирги синф мен учун ажал ўрасидай бўлди. Болалар уйидаги директоримиз ҳам, лицейдаги директоримиз ҳам биздан ютуққа эришишимизни кутаётган эди. Агар университетга ўқишга кира олмасам, ётоқхонадан чиқариб юбориламан. Тўғри, ётоқхона менга унчалик ёқмасди, лекин кўчада қолгандан яхши-да.

«Ё ўқишга кираман, ёки ёмон одамларнинг қўлида ўйинчоққа айланаман», дер эдим ўзимга ўзим.

Лекин атрофимдагилар ўқишга киришим мумкинлигига ишонишмади. Менга пичоққа соп бўлмайдиган одамдек қарашибди.

*Эҳ, яна чарчаб қолдим, устоз. Хаёлимдан бошқа нарсалар ўтяпти, қаламим бошқа нарсаларни ёзяпти...* Озроқ дам олишим керак.

*Охирги пайтда ухлашга ётишдан олдин қайтиб уйгона олмасам-чи, деб хавотирга тушадиган бўлиб қолганман. Умид қиласманки, яна уйгонаман ва бу мактубни якунлай олман. Буни жуда-жуда хоҳлайман.*

## Илк ва ягона мұваффақиятим

Ухлаб олганим яхши бўлди. Шукр, қайта уйгона олдим. Мактубимни давом эттириш хоҳиши менга куч багишляяпти. Фойдали иш қилаётганим учунми ёки мен таърифлай олмаган бошқа сабаби борми, икки кундан бери мени ажиз ҳаяжон чулгаб олган.

Сал аввал ҳамшира укол қилди, дориларимни берди. Анча тетиклашдим, ана энди ёзишини давом эттира оламан.

Нихоят, бир амаллаб лицейни битириб олдим. Қылган меҳнатларим самара бериб, ўқувчилар орасида энг юқори баллни мен тўплабман, яъни биринчи бўлибман. Бу мен учун ишониш қийин бўлган воқеа эди! Мени қуйилардан олиб, чўққиларга чиқарганларга раҳмат. Улардан қарздорман. Амина ва унинг отаси, математика ўқитувчимиз ва унинг рафиқасининг менга кўп меҳнатлари сингди.

Қизиги, менга ёрдам қўлинни чўзганлар мен фикрларига қўшилмайдиган диндорлар бўлди. Мени оёқларига тушов каби кўриб, ҳаётимни зулматга айлантирганлар эса инқилобчи дўстларим эди. Афсуски, бошимга тушган шунча ғавғоларга

қарамай, ақлсизлик қилиб, воз кеча олмаёттан эдим ўша дўстларимдан. Қалбим улар билан бирга, ақлим ва мантигим эса диндорларнинг ростгўйлигини маъқуллайди.

Хўш, ҳамма нарса очиқ-ойдин экан, бу зиддиятнинг сабаби нима эди? Менимча, эркин бўлиш истаги, буйруқ ва қоидаларга қарши чиқиши... Биламан, бу тўғри эмас, лекин ўрганган кўнгил ўртаниб қўймас, дейишади-ку. Бу хатоларим мени янада каттароқ фалокатлар томон етаклашини ҳам билардим.

Лицей маъмурияти мени энг аълочи ўқувчи, деб эълон қилишни истамабди аввалига. «У қиз инқилобчи, исёнкор, гапга қулоқ солмайдиганлар хилидан», дейишибди. Лекин математика ўқитувчимиз мени ҳимоя қилибди. «Биринчилик кимнинг ҳаққи бўлса, ўшанга берилиши керак», деб туриб олибди. Пайт келиши билан атрофимда парвона бўлган инқилобчи ўқитувчилар эса ўзларидан хавотирланиб, чурқ этишмабди.

Лицейни битирганимдан кейин таниқли инқилобчи Илкар турмуш қуришни таклиф қилди. Назаримда, у бошқаларга ўхшамас, тўғрисўз, виждонли эди. Шундай бўлса-да, ҳеч кимга ишонмай қўйгандим. Мендан кўнгли қолар, деган ўйда бошимга тушганларни айтиб бердим, Илкар эса фикрини ўзгартирмади. Бу ҳаётда ёлғизман, шунча азоб чекканим етар, деган хаёлда унинг таклифига рози бўлдим. Мени ота-онаси билан таништиргани олиб борди, бироқ охири яхшилик билан тугамади.

Мендең келин на ўнгчиларга керак, на сүлчи-  
ларга. Ҳаммага номусли келин керак...

Илкарнинг ота-онасини мен ҳақимда обдан  
сўраб-суриштиришибди.

«Менга қара, қизим, – деди отаси, – биз-  
лар ҳам илфор фикрли, социал демократ одам-  
лармиз. Инқилобчи, сўлчи эканингга ҳеч нарса  
демаймиз, лекин оиласиз таниқли, обрўли  
оиласардан ҳисобланади. Сен ҳақингда миши-  
шилар чиққан экан, шунинг учун ўғлимиз  
билан турмуш қуришингга рози бўлолмаймиз...»

Кўзларимдан ёш оққанча ўзимни ташқарига  
урдим. Бошимга тушганларни мен сўраб олма-  
ганман ахир, уларни мен режалаштирганман.  
Золимлар ва хиёнаткорлардан ўзимни ҳимоя  
қилолмадим. Лекин буни ҳеч ким тушунишни  
истамаётган эди. Ҳамманинг кўзига енгилтак  
бўлиб кўринаётгандим. Бу ҳақда ҳатто инқилобчи  
дўстларим ҳам пичир-пичир қиларди.

Шундай қилиб, Илкар масаласи бошланмаси-  
даноқ тугади. Бир томондан хурсанд бўлдим.  
Энди ҳеч ким мендан умид қилишини иста-  
маётган эдим. Бор эътиборимни ўқишига ки-  
ришига қаратдим. «Албатта, уддалайман! Кучли  
бўламан! Менга паст назар билан қараганлардан  
қасос оламан!» дедим ўзимга ўзим. Бу ҳатто  
тушларимга ҳам кирадиган бўлди.

Нихоят, ўша кун келди – университет  
имтиҳонига кираман. Ҳар доимгидек, Амина  
мени ёлғиз қолдирмади.

### **III БОБ**

## **ҚОПҚОНДАГИ НАВНИХОЛ**



*Кучли бўла олиш, мени азобларга маҳкум қилганлардан  
ўч олиш учун Истанбулга бордим, бироқ яна хиёнатлар  
домига тушдим.*

*Кейин нималар бўлгани маълум...*

*Бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилишга юрагим  
базўр дош беряпти.*



## Орзулар оғушида

Имтиҳон натижаси зўр эди! Ўзим хоҳлаган ўқишига кирдим – Истанбул университетининг ҳуқуқшунослик факультетига!

Бу ҳаётимдаги тўнтариш бўлди. Биринчи марта бунчалик хурсанд эдим ва ўзимни қўярга жой тополмай, хурсандчилигимни ҳаммага айтиб чиқдим. Мен энди талабаман, ҳали зўр ҳуқуқшунос бўламан, катта одам бўламан!

Ана энди ҳеч ким мени етимхонадан чиққан қиз деб ерга ура олмайди. Орзуимдаги шаҳарга – Истанбулга бораман! Шу пайтгача Истанбулга умуман бормаганман, лекин инқиlobчи дўстларимнинг бари у ҳақида, у ердаги фаолиятлари ҳақида гапириб беришган.

Энди атрофимда онги пастлар бўлмайди, катта шаҳарга кетаман, ўқимишлилар орасида юраман.

Биринчи марта орзу қилишдан хурсанд бўлаётган эдим. Биринчи марта хўрланганим, эзилганим ва кимсасизлигимни унутаётган

эдим. Адолат ва тенгликни тарғиб қиладиган ҳуқуқшунос бўлиш!.. Оҳ, қандай яхши!.. Ҳатто тасаввур қилишнинг ўзиёқ ажойиб. Суд залларида овозимни баланд кўтариб, адолатни ҳимоя қиласман. Чорасизларнинг ҳақ-ҳуқуқи учун курашаман!

Истанбул ва ҳуқуқшунослик факультети хаёлимни буткул банд қилиб олганди. Бу муваффақиятим шунча тортган азобларим учун гўёки тасалли бўлди мен учун.

Орзулар билан осмонларда учиб юрган кунларимдан бирида кечаси тушимда онами кўрдим. Мен умуман кўрмаган, ҳатто расмини ҳам кўрмаган онам... «Сени соғиндим, болажоним. Нега олдимга келмаяпсан?» деди.

Ҳайрону лол бўлиб қолдим. Бу чиндан ҳам онам эдими? Нега мени чақирияпти?..

Ҳа, боришим керак. Онам билан дардлашибим керак. Ҳушхабарни унга ҳам етказай. Менимча, ичимда дин билан боғлиқ аллақандай ҳислар ҳали ҳам бордек. Инсон қанчалар инқилобчи, даҳрий бўлса-да, қалбининг тубтубидаги имон эҳтиёжини бостира олмас экан.

Баҳонада қишлоғимни ҳам кўриб келаман. Охирги марта акам ўлганида борган эдим. Ўшанда кичкинагина қизалоқ эдим, ҳозир эса ёш қизман. Орадан шунча вақт ўтиб кетибди.

Лекин қишлоққа қандай бораман? Чўнтағимда атиги иккита нонга етадиган пул бор, холос.

Йўқчилик қурсин!..

Ҳар доимгидек яна Амина ёрдам берди. Ёнимга келганида қўлида конверт бор эди. У ҳеч қачон қўлимга очиқдан-очиқ пул тутқизмас, ҳар доим конвертда олиб келарди. Олмайман десам, қўшнимиз сенга бериб юборди, дерди. Биламан, қўшниси бермаган. Менга кўмаклашиш учун отаси ҳар ой пул жўнатади.

Пулни олишдан бошқа чoram йўқ эди.

Ўқишиш бошланишидан олдин онамнинг қабрини зиёрат қилиб келишим керак.

Эрталабгача ота-онамни, акамни ўйлаб чиқдим.

«Сизлар ўлдингиз, бу дунёning ташвишларидан қутулдингиз. Мен ҳам ёнингизда ётганимда, бунча азобларга дучор бўлмасдим. Нима қиласай, ўлишни жуда хоҳладим, лекин ўлолмадим. Бориб, қабрингизнинг тупроғини ҳидлайин. Хотиралар билан сухбат қурайин».

Оҳ, ўлим! Кошки ё сен бўлмассанг эди, ёки биз...



## Қабристондаги дардлашув

Нихоят, йўлга тушдим. Ўн соат юришим керак.

Онажон! Кошки ўзингиз кутиб олсангиз мени! Қучоқласангиз, юзларимдан ўпсангиз. Кўксингизга бошимни қўйсам. «Мени ташлаб кетманг!» деганча сизни қучоқлаб йифласам...

Қишлоққа туш пайтида етиб бордим. Қаттиқ чарчаган эдим.

Ўн йилдан бери кўришмаган икки яқин қариндошим бор – амакимнинг хотини ва аммам.

Қишлоғимиз кичрайиб қолибди. Аҳолининг деярли ярми шаҳарга кўчиб кетибди. Вайронага айланган уйларнинг орасидан ўтар эканман, бир нечта қария уст-бошимга қараб қўйди.

Қариндошларимнинг уйини эслайман. Биринчи бўлиб аммамнинг уйига бордим. Эшиги қулф, уй анчадан бери қаровсиз экани кўриниб турибди. Кўчадан ўтаётган чолдан аммам ҳақида сўрадим.

– Албатта, танир эдим Гулзор хонимни, синглимдек эди, яхши аёл эди. Қолган умрини сизларга берсин, – деди.

Устимдан бир чөлак совуқ сув қуйилгандек бўлди. Демак, аммам ҳам вафот этибди. Майли, яхшиларнинг ўлгани яхши, бу дунёда қийналишмасин. Ёмонларга қолган бу дунё, яхшиларга кун йўқ...

Қария мени танимаган эди.

— Сен кимсан, кимнинг қизисан? — деб сўради.

Отамнинг исмини айтдим.

— Тушунарли, сен ўша фойиб бўлиб қолган қизсан. Нима ҳам дейман, Аллоҳ тўғри йўлга солсин ишқилиб.

Демак, мен ҳақимдаги мишишлар бу ерга ҳам етиб келибди. Ёмон хабар тез тарқайди, деб шунга айтишса керак-да.

— Отанг ҳам, онанг ҳам яхши инсонлар эди,  
— дея давом этди қария. — Айниқса, онанг фариштадек аёл эди, қишлоқ қизларига Қуръон ўргатарди, диндан сабоқ берарди. Имонли аёл эди.

Чол нима демоқчи бўлганини жуда яхши тушундим. Шундай диндор онанинг қизи нега бундай, демоқчи. Сен ҳам оиласанг, ҳам қишлоғимиз номига доғ туширдинг, демоқчи.

Қария ўзича ҳақ. Агар онам тирик бўлганида, ҳозирги аҳволимни кўриб, бошқача гап гапирмасди у ҳам.

Оҳ, онажон!.. Тирик бўлганингизда, ақалли Қуръон ўқирдим...

Чолнинг саволлари тугамаган экан:  
 - Ҳозир нималар қиляпсан, қизим?  
 - Лицейни тамомладим, ҳуқуқшунослик  
 факультетига ўқишига кирдим.

- Демак, прокурор, судя бўласанми?  
 - Ҳа.

Қария қаттиқ ҳайрон бўлди.

- Ё тавба! Дунё кимларга қолди-я!

Ўгирилиб кета бошлади. Ортидан сўрадим:

- Амаки, шошманг! Бу қишлоқда амаким ва  
 янгам ҳам бор эди, уларга нима бўлди?

- Улар ҳам кетди, — деди-да, қўли билан  
 бир томонни кўрсатди. У кўрсатган томонда  
 қабристон бор.

Демак, улар ҳам дунёдан ўтишибди, бу қишлоқда ҳеч кимим қолмабди...

Нима қилишни билмай, қабристонга йўл  
 олдим. Энг яқинларим ўша ерда ётишибди.  
 Қабрлари узра унган майсалар, чечаклар билан  
 ҳасратлашаман.

Қабристонга яқинлашганим сайин вужудим-  
 ни аллақандай ҳаяжон чулғади, ичим негадир  
 титради. Худди атрофимдаги ҳамма нарса мен  
 билан бирга мозоротга йўналгандек. Ортимдан  
 қандайдир куч мени у томонга итарар, у ердан  
 эса кимдир мени ўзига тортаётгандек...

Отам, онам ва акамнинг қабрлари ёнма-  
 ён... Чўккаладим. Шу тобда андуҳ денгизида  
 чўкаётгандек ҳис қилдим ўзимни. Кўзла-  
 римдан ёш қуйила бошлади. «Мени ҳам

ёнингизга чақириңг, - дедим йиғлаганча. -  
Кўрмаяпсизларми, бу дунёда ёлғиз қолиб  
кетдим. Сизларсиз жуда қийналяпман, мени  
ҳам чақириңглар, ҳаммамиз бирга бўламиз.  
Сизларни соғиндим, жуда-жуда соғиндим...»

Қанча йиғлаганимни билмайман. Онамнинг  
қабрини қучоқлаганча юзтубан ётиб олдим.  
Кошки у ҳам мени қучоқласа, бағрига босса  
бошимни. Йиғладим, йиғлайвердим...



## Саранжом уй

Бир пайт аёл кишининг овози эшитилди:

– Болам, қабристонда бунчалик йиғлаш яхши эмас, ўзингни қўлга ол.

Ўгирилиб қарасам, ортимда бир аёл ва бир эркак турибди. Аёл қўлимдан тутиб, ўрнимдан туришимга ёрдамлашди.

– Сен кимсан, болам? Бу ерларда сени аввал ҳеч кўрмаганмиз. Бу қабрлар Малак Аҳсан билан Довуд афандиники, уларга ким бўласан?

Демак, қишлоқда онамни Малак Аҳсан деб чақиришган экан. Исми Аҳсан эди, яхшиликлари туфайли исмига Малак сўзини ҳам қўшишган экан.

– Қизлариман, – дея жавоб бердим аранг пичирлаганча.

– Оҳ, болажоним! – деди аёл ва мени қучоқлади. – Бегона жойларда қолиб кетган Айсел сенмисан?

Бошимни силкидим.

– Сен ҳақингда ҳар хил гаплар тарқалди, ёмон қизларга қўшилиб қолган, дейишиди, лекин биз ишонмадик. Бундай ажойиб онанинг қизи ёмон бўлиши мумкин эмас.

Тўғри эшитибди бу аёл, лекин одоб юзасидан очиқ гапирмаётган эди.

— Машааллоҳ, жуда истарали қиз бўлибсан.  
Қани, юрақол.

«Сиз кимсиз ўзи?» дегандек қарадим юзига.  
Дарҳол тушунди ва ўзини таништириди:

— Мен қишлоқ имомининг рафиқасиман, бу  
эса имом афанди. Раҳматли онанг менинг ус-  
тозим ҳисобланади, ундан Қуръон ўқишни  
ўрганганман. Ундан Аллоҳ рози бўлсин, жойи  
жаннатдан бўлсин.

Аёл қўлимдан тутди.

— Кел, қизим, уйга борайлик, узоқ йўлдан  
келгансан, чарчагандирсан. Дам ол, кейин яна  
гаплашамиз.

Бу аёлга йўқ дегим келмади, яхши ниятда  
таклиф қиласпти, ахир.

Оддийгина, топ-тоза ва саранжом уй экан.  
Кичкинагина боғи ҳам бор. Бир фарзандлари  
лицейда, иккинчиси ўрта мактабда ўқир экан.  
Бу уйда мен таърифлай олмайдиган ҳузур-  
ҳаловат бор эди. Имом афанди ва рафиқаси-  
нинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари инсоннинг  
кайфиятини кўтарар, тетиклик бағишлиарди.  
Жуда яхши одамлар экан, атрофимдаги таниш-  
билишларим билан асло қиёслаб бўлмайди.

Шунаقا пайтларда бошим ғовлаб кетади.  
Инқилобчилар билан бирга бўлишимнинг ўзига  
яраша сабаблари бор. Улар ҳақ-ҳуқуқ, адолат,  
тengлиқ деган ғояларни ўзларига байроқ қилиб  
олишган. Диндорларга қарши чиқишимнинг  
асосий сабаби даҳрийлигим билан боғлиқ.

Түкин айнан инқиlobчилардан зарап кўрдим. Тутри, баъзи инқиlobчиларнинг хатоларини деб ҳаммасини қоралаш тўғри бўлмайди, бироқ менга дуч келганлари нуқул дилимни оғритди. «Сен номус деган сўзга ёпишиб олгансан, — дейишарди. — Бу эскилик сарқити, замонавий дунёга тўғри келмайди».

Шунга ўхшаш гапларини ҳеч ҳазм қилолмасдим. Кўп хотинликка қарши инқиlobчи дўстларимнинг дуч келган билан ошиқ-маъшуқ бўлиб кетаверишини умуман тушунмасдим.

Мен фикрларини ёқтирмайдиган диндорлар эса росттўйлиги, ҳар доим ёрдам қўлини чўзишга тайёрлиги билан ажралиб турадиган инсонлар эди...

Имом афанди ва турмуш ўртоғи атрофимда шунчалик гирдикапалак бўлишдики, умримда менга бундай ҳурмат кўрсатилмаган. Мен ҳақимда кўп нарса билишса-да, ўзларини ҳеч нарсадан бехабардай тутишарди.

Аёлнинг қистови билан қишлоқча ҳаммомга кириб чиқдим. Кейин ётиб ухладим. Уйқудан турганимда, мен учун ёзилган тўкин дастурхонни кўриб, оғзим очилиб қолди. Ҳамма нарса бор эди. Жуда хурсанд бўлдим, ҳаяжонландим.

Ғавғога, қабиҳликларга тўла бу дунёда фариштага ўхшаш, пок қалбли инсонларнинг борлиги мени ҳайратга солди.



## Түшдаги жаңнат

Кечаси бир галати иш бўлди. Эсласам, ҳали ҳам этим жунжикиб кетади.

Аслида тушга ишонмайман, ишонадиганлардан эса жаҳлим чиқади. Балки шундандир, деярли туш кўрмайман. Телба-тескари тушлар кўраман баъзан, кулгига оламан. Лекин ўша туш бутунлай бошқача эди.

И мом афандининг рафиқаси кечқурун менга жой тайёрлаб берди. Чойшаб ҳам, ёстиғу тўшак ҳам топ-тоза эди. Хонада битта ўзим, шовқин-сурондан, тўс-тўполондан холи жойда уйқуга кетдим. Кўзимни юмишим билан туш кўрдим...

Нотаниш шаҳардаман. Шунчалар гўзалки, таърифига тил ожиз. Ям-яшил боғи бор уйлар жуда чиройли. Кўчаларда умуман чиқинди кўринмайди, ҳамма ёқ сокин, ажиб ҳузур-ҳаловат ҳукмрон.

Қизиқсиниб атрофни кузата бошладим. «Бу ер Туркияда бўлмаса керак, – деган фикр ўтди хаёлимдан. – Бунчалик тоза, тартибли ва чиройли шаҳrimiz борми? Балки бу ер Европадир?..» Шу пайт баъзи уйларнинг эшиклидаги арабча ҳарфлар эътиборимни тортди. Араб алифбосини билмаганим учун ўқий олмадим. «Демак, бу ер араб шаҳри бўлса керак»,

дедим ўзимга ўзим. Лекин, билишимча, араб шаҳарларида бу ердагидек дов-дарахт кўп бўлмайди.

Кичкиналигимизда қулоғимизга қуилган «жаннат» деган сўзни эсладим. Эҳтимол, дин дарси ўқитувчимиз айтиб берган жаннат шу ерdir?.. Бироқ бу фикрдан дарровгина воз кечдим. Ахир, менинг моддиюнчи тушунчаларимга кўра, одам ўлгандан кейин тупроққа айланади, жаннат ва жаҳаннам деган нарсалар эса уйдирма.

Ҳатто тушимда ҳам шу ўйлар мени безовта қилди. Аниги шуки, мен жаннатмонанд жойда юрган эдим.

Топ-тоза кўчалардан, кўприклардан ўтдим. Йўлда учраган одамлардан бу ер ҳақида сўраб-сuriштиromoқчи бўлдим, аммо ҳеч ким менга қарамаяпти, мен билан гаплашмаяпти. Одамлар жуда истарали, нурли.

Бир маҳал рўпарамда акам пайдо бўлиб қолди, қаердан келди, билмайман. «Ака!» деб бақириб юбордим. Ҳолбуки, акам билан деярли тенгдош бўлганимиз учун уни «ака» деб эмас, исми билан чақирар эдим.

Акамни қаттиқ қучоқлаб олдим. «Айсел, сингилжоним», дея бошимни силади. Ундан жуда ҳам ёқимли ис келарди.

— Йиғлама, Айсел, — деди акам. — Юр, сени онамнинг олдига олиб бораман.

— Онам ҳам шу ердамилар? Ака, бу ер қаер ўзи?

Бу саволимга жавоб бермади. ~~Факатгина~~  
 «Сени онамнинг олдига олиб бораман», деди.  
 Акам олдинда, мен эса орқасидаман. Би,  
 қадам ташламаётган, балки учайтган эдик. ~~Х~~  
 учайтгандик, чунки оёқларимиз ерга тегмасди.  
 Шаҳар бўйлаб худди қушларга ўхшаб қанча  
 учганимизни билмайман.

Гўзаллиги кўзни қамаштирадиган бир са-  
 ройнинг олдида тўхтадик.

— Бу ер бизники, онам ичкарида, — деди  
 акам.

Ҳайратимнинг чеки йўқ эди. Икки хонали  
 кулбадан шоҳона саройга...

— Қандай қилиб олдиларинг бу ерни? — деб  
 сўрадим акамдан. У эса жавоб бермади. Шу  
 пайт ичкаридан бир аёл чиқди. Акамнинг уни  
 таниширишига ҳожат қолмади — бу онам эди.  
 Аввал ҳам тушимга кирган, юз-кўзлари айнан  
 тасаввуримдагидек бўлган онам.

Ҳайқирганча ўзимни онамнинг қучогига  
 отдим. Уни маҳкам қучоқладим.

— Болажоним! Айселим! — деди онам меҳ-  
 рибон оҳангда.

Севинчдан ўзимни қўярга жой тополмас,  
 онамнинг юзига тикилиб, унинг ҳидини ҳид-  
 лаб тўёлмасдим. Мен бу лаҳзаларни жуда  
 узоқ кутдим, шу пайтгача она соғинчи билан  
 яшадим, ахир...

— Сенга омонат қолдирганман, Айселим, —  
 деди онам. — Омонатни эҳтиёт қилишингга

ишончим комил. Уйимиздаги кичкина ойнаванд сандиқнинг ичида. Омонатни у ердан ол, сенда турсин, хўпми?

- Хўп. Отам қаерда?

- Отанг ҳали келгани йўқ, мен бу ерда аканг билан биргаман. Отангнинг ҳисоб-китоби чўзилиб кетди, ҳали ҳам кутяпмиз. Иншааллоҳ, ҳисоб-китобини тамомлаб, у ҳам бу ерга келади...

Шу пайт уйғониб кетдим. Жиққа терга ботибман. Ҳансираф нафас олаётганимни имомнинг аёли эшитибди чоғи, югуриб келди. Мени қучоқлаб, бағрига босди.

- Нима бўлди, қизим?

- Йўқ, ҳеч нима... Шунчаки туш кўрибман, босинқирадим. Узр, сизни безовта қилдим.

- Безовта қилдим, деганинг нимаси, болам? Ҳеч ҳам безовта бўлганим йўқ. Қолаверса, тонг ёришиб қолди, имом афанди масжидга кетди. Мен ҳам намоз ўқимоқчи бўлиб тургандим.

Яна ўрнимга чўзилдим.

Кошки уйқу келса. Ўша тушнинг ҳар сониясини қайта-қайта хаёлимдан ўтказдим. Акамни, онамни қучоқлаганимни эсладим. Ҳидларини ҳали ҳам ҳис қилаётгандекман.

Лекин отамни кўра олмаганим яхши бўлмади-да. Қандай ҳисоб-китоби бор экан, тушумадим. Буни имом афанди келганида изоҳлаб берди.

— Бу раҳмоний, яъни ҳақиқий туш ҳисобланади. Сен кўрган жой — жаннат. Онанг ва аканг жаннатга тушишибди, отанг эса қилган амалларининг ҳисобини беряпти экан.

Жаннатнинг борлигига ишонмасам-да, имом афандининг бу гапларидан, онам ва акамнинг ҳузурга эришганидан хурсанд бўлдим.

*Устоз, мактубимни яна тўхтатиб туришга мажбурман. Анави қовоги солиқ ҳамишира огоҳлантириб кетди. Чироқни ўчириб, ётишим керак экан, эртага қийин кун бўлармиш. Яна текшир-текширлар...*

Натижалар ёмон чиққанига қарамай, унчалик хафа эмаслигимни айтишим керак. Жигарим ишдан чиқиш арафасида экан. Саратон бутун вужудимни чирмаб оляпти. Янада ҳолсизланиб қолдим, ҳоргинман...





## Сандиқ ичидаги нур

Мана, тонг отди. Қолған жойимдан  
давом эттираман, устоз.

Ҳаммамиз бирга бизнинг уйимизга бордик.  
Онам менга қолдирган омонатни олиш учун  
сабрим чидамаяпти.

Бизни кўрган бир неча қишлоқлик ёнимизга  
келди. Кимнинг қизи эканимни билишгач эса...

Кимдир қизиқсиниб тикилиб турар, бошқа  
бирови алмойи-алжойи гапларни гапирад эди.  
Баъзиларининг айтганлари юрагимга оғир  
ботди.

Харобага айланган, ҳар томони чўкиб қол-  
ган гувала уйимизга ҳаяжон билан қадам таш-  
ладик. Буюмларнинг бари жойида турибди,  
ҳаммасини чанг қоплаган. Бу ерда онам яшаган!  
Ана шу буюмларда қўлларининг изи бор! Шу  
мискинликда ҳам баҳтли бўлишни уddeллаган  
онам...

— Бу нарсалар бекор ётмасин, деб амманга неча марта айтдик, — деди қишлоқдагилардан бири. — Бирортасини олмади. Вафот этгунча келиб тозалади, супуриб-сидирди. Ўлганидан кейин мана шу аҳволга тушди уй.

Атрофидагиларнинг ҳамма гапини ҳам эшитганим йўқ, чунки хаёлим онамнинг хотиралари билан банд эди. Омонат қолдирганини айтди тушимда, ўшани қидиряпман.

Биринчи хонада ойнаванд сандиқ йўқ экан, иккинчи хонага киришим билан эски диваннинг ёнида ойнаси синган сандиқни кўрдим. Онамнинг омонати! Бирдан юрагимни ҳаяжон қоплаб, қўл-оёғим титрай бошлади.

И мом афандининг аёли қўйлимдан ушлаб олди. Ёшлар фақатгина кўзимдан тўкилмаётган, қалбимнинг ҳар нуқтасидан қуйилаётгандек эди гўё. И мом афанди сандиқни очди, ичидан китоб чиқди — эскириб кетган Қуръон китоби. Демак, онамнинг омонати шу экан-да.

Тўғриси, буни сира кутмаган эдим. Майли, онамдан қолган ёдгорлик бу, мен учун жудажуда қадрли.

\* \* \*

И мом афандининг аёли ўша куни ҳам мени қўйиб юбормади. Яна меҳмон қилди, мен билан суҳбатлашди.

Имом афанди жуда ҳам вазмин, билимли одам экан. Қизифи, у ҳам ҳуқуқшунослик факультетини битирган экан. Ҳам ҳуқуқшунос, ҳам имом. Ҳамма имомлар шундай бўлса, даҳрийлик деган нарса қолмаса керак, деб ўйладим.

Моҳир руҳшуносдек гапиради имом афанди. Муаммоларни сокинлик билан қабул қиласар, жавобларни қаршисидаги одамни ранжитмай, қайсарлик қилмай берарди. Кошки ўқитувчилар ҳам шу кишидек бўлса, болалар ва ёшларнинг руҳиятини тушуна олишса. Ана шунда ҳеч бири дарсдан қочмаган бўларди, миялари зарарли маълумотлар билан тўлдирилмасди.

Суҳбат асносида нимадандир асабийлашдим.

– Замондан орқада қолганлар, мутаассибларнинг дастидан шу аҳволга тушиб қолдик. Инсондек яшашимизга ҳеч қўйишмайди, – дедим.

Гапим имомларга қаратилмаган, балки ўзимнинг мутаассиб дўстларимни назарда тутган эдим. Лекин мени бошқача тушунишди.

– Айсел қизим, сенга бирор сўз айтишга ҳаққим йўқ, – деди босиқлик билан имом афанди.

– Тўгри айтяпсан, биз айбормиз. Биз имомдомлалар ҳар бир ҳаракатимиз билан намуна бўлишимиз керак, хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Биз билимдон, айтганларини амалда кўрсатадиган одамлар бўлишимиз зарур.

Имом афандининг бунчалик хокисорлигидан баттар хижолат тортдим...

Онамнинг омонатини ўзим билан кетишга журъат қилолмадим, тўғрироғи, ўзимни Қуръонни олиб юришга лойик кўрмадим. Омонатни имом афандига қолдиришга қарор қилдим, у ҳам рози бўлди.

— Ўзингда қолса, яхшироқ бўларди, қизим, — деди у. — Модомики, менга ишонган экансан, хотиржам бўл, онангнинг бу қадрли омонати ва хотирасини сен учун асраб-авайлайман.

Мени кузатишаётганида имом афандининг аёли қўлинини сумкамнинг ичига тиқди. Нимадир қўйганианик эди. Йўлда очиб қарадим: озроқ пул ва хат экан. «Сен Малак хонимнинг омонатисан, — дея ёзилган эди хатда. — Иншааллоҳ, сен ҳам жаннатга муносиб бўласан. Бирор муаммо чиқса, биз ёрдам беришимиз мумкинлигини унутма. Сени жуда ҳам ёқтириб қолдик».

Кўзимга ёш келди.

## Эркинлик деганлари шуми?..

Мана, Истанбулдаман ниҳоят.  
 Зўр ҳуқуқшунос бўламан, адолат ўрнатаман!  
 Не-не орзуларим, қанчадан-қанча мақсад-  
 ларим бор...

Амина Анқарада, тиббиёт факультетига кирган. Биламан, унинг келажаги порлоқ. Чунки у ақлли қиз.

Амина ва оиласи «Сени ишончли жойга жойлаштирайлик», деб кўп марта айтишиди. «У ер Истанбул, ҳар томонида хавф бор, битта ўзинг қийналасан», дейишиди.

Мен эса уларнинг таклифини рад этдим. Қучимни ҳаммага кўрсатиб қўймоқчи бўлдим. Бундан буён кимгадир юк бўлишни истамадим.

Давлатга қарашли ётоқхонага жойлашдим. Лекин менинг довруғим ўзимдан аввал етиб келибди. Атрофимни бетайинлар босиб кетди, бу эса келгусидаги кўнгилсизликларнинг даракчисидек эди гўё.

Дастлабки ойларда ўқишга қаттиқ киришдим, лекин менга кўз тикканлар устунроқ чиқди. Уларга қўшилиб сандироқлашни бошлаб юбордим. Бемазагарчиликлар урчиган жойлардан қадамим узилмайдиган бўлди. Инқилобчилар, коммунистлар, марксистлар, бангилар...

Уларнинг орасида мақсадидан тобора узоқлашоётган ёшгина қиз...

Атрофимни темир панжара мисоли ўраб олган бетайинларнинг касофати билан бурнимни ҳар тешикка суқадиган бўлдим. Бу менманми? Орзуларимга нима бўлди? Истанбулга ҳаммагаadolatdan дарс берадиган ҳуқуқшунос бўлиш учун келмаганмидим? Менга тузоқ қўйганлардан қасос олмоқчи эмасмидим? Ўзимга берган сўзларимни унудимми?..

Улкан қояларга бориб урилган кема мисоли чўкиб бораётган эдим.

Истанбул мени тезгина ютиб юборди. Дуч келган одам ор-номусимни бир тепиб ўтди. Уларга чидашга мажбур эдим. Пулим ҳам, уйим ҳам, егани ноним ҳам йўқ эди. Ўзимдан ҳазар қилардим, лекин инқилобчи дўстларим менинг ҳаёт тарзимни оддий деб ҳисоблашар, эркагу аёл эркин яшashi кераклигини бот-бот уқтиришарди. Лекин менинг бошимга тушганлар эркинлик эмас, фирт қуллик ва расвогарчилик эди.

Айб ўзимда. Баъзи нарсаларни билиб туриб қилардим. Қилғиликни қилгандан кейин эса ўтириб йиглардим. Амина ва унинг оиласи, имом афанди, математика ўқитувчимиз мени қўллаб-қувватлашди, мени ҳимоя қилишни исташди. Мен-чи? Мен нима қилдим?..

Истанбулда эркинманми? Ўт қўяйин бундай эркинликка. Ташқарига чиқасан, ҳалоллик ва ростгўйлик ҳақида оғиз кўпиртирган

иккиюзламачилар дарров кайфиятингни расво  
қиласди.

Үқишга боряпман, анча орқада қолиб кетганинан, курсдошларимга етишиб олишим қишин. Ётоқхонадан чиқиб кетдим. Бирор уйда қолмоқчи бўлсам, жуда катта бадал тўлашимга тўғри келяпти. Ҳар бир бадал руҳимдан, хаёлларимдан, орзуларимдан бир парчани юлиб оляпти.

Шуми эркинлик деганлари? Балогинаага йўлиқсин бундай эркинлик.

Менми, Аминами ёки имом афандими? Қай биримиз эркинроқ яшаяпмиз? Мен илфор, улар қолоқ, шундайми?..

Ўзимни саволлар билан қийнашни истамайман, бўлмайди. Гиёҳванд модда билан миямни увштириб қўймоқни хоҳлайман, яна бўлмайди. «Иккинчи марта қилмайман», дейман, ҳолжонимга қўйишмайди. Чорасизман! Мени бу азоблардан қутқарадиган мўъжиза керак.

Кунларим бир бурчакларда ўтаётган эди. Ўз оёғимга болта ураётган, ҳаётимнинг интиҳосини яқинлаштиришга уринаётгандим. Нима учун яшаётганимни, қаерда эканимни унутиб қўйдим. «Кошки уйқудан умуман уйғонмасам», деб ўйлардим.

Баъзан инқилобчи дўстларимнинг йиғилишларига борардим. Ҳақиқат деб айтганлари ҳақиқат эмаслигини билганим учун кулиб қўяқолардим. Ифтихорли кураш, ҳалол турмуш, инсон ҳуқуқлари... Чиройли сўзлар, шундай

эмасми? Ана шу сўзларни оғизларидан тушириш майдиганлар ҳаётимни зулматга айлантиришди. Ишлатилгандан кейин кераксиз бўлиб қолган матоҳдек бир бурчакка улоқтириб ташлашди. Шундан хафаман.

Умидсизликка тушиб қолгандим, келажагимни ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдим.

Бир амаллаб иккинчи курсга ўтиб олдим. Ёзги таътил бошланган эди. Амина қайта-қайта чакирса-да, бормадим. Имом афандининг рафиқаси ҳам, математика ўқитувчимиз ҳам қўнғироқ қилди. Йўқ, мендан уларга хайр йўқ... Аминанинг самимийлиги, математика ўқитувчимизнинг оталарча меҳрибончилиги, имом афандининг аёли айтган «Сени соғиндик», деган сўзлар виждонимни баттар қийнайди...

Бу яхши инсонларни кўришим билан ичимда аёвсиз кураш бошланади. Амалларимни ҳисобкитоб қилишимга туртки берадиган ҳис эди бу. Қилган ишларим туфайли мени айблайдиган ичимдаги бир овоз. Нега бунчалик ёмонман, нега? Нима учун ўзимни топа олмаяпман? Шунча хатолардан кейин ҳам нега сабоқ олмаяпман?..

Бу саволларнинг жавобини яхши инсонлар билан учрашганимда олишим мумкин, шунинг учун ҳам улардан қочяпман. Ҳа, энг яхиси – улар билан кўришмаслик. Қиладиган ягона ишим азобларимни енгиллатиш учун миямни увштириш бўлиб қолди. Бунинг бадали жуда оғир бўлишини тахмин қила олардим.



Охир-оқибатда эса ҳеч нарса унут бўлмасди, енгил тортиш деган нарса ҳам йўқ эди. Аксинча, азоблар ортади...

Яна хонамга оқ ҳалатлилар келди. Икки нафари шифокор, қолганлари эса ҳамшира. Таҳлилларнинг натижалари ҳақида гаплашияпти. Кўзларидаги умидсизликни уқиб турибман, табассумнинг ҳақиқийсини сохтасидан ажратиб олишим қийин эмас.

Таҳлилларнинг натижалари жуда ёмон чиқяпти, лекин хафа бўлаётганим йўқ. Шундоқ ҳам, керагидан ортиқ яшаб қўйдим.

Хонамдагилар кетсин, кейин ёзишини давом эттираман.



## Ичимдаги кураш

Турмушга чиқдим, лекин турмуш ўртоғим ўзимдан баттар расво экан. Ҳеч нарсаны парвойига келтирмас, оиланинг муқаддаслиги ҳақидаги гапларга умуман ишонмасди.

Қалбимнинг туб-тубида бу ҳолатта исён кўтарадиган нимадир бор эди. Қизиқ, кун келиб бу ҳис кучайиб кетадио мени қутқарадими?.. Қийин, жуда қийин...

Турмушилизнинг яхши эмаслигини ҳамма биларди. Кўп ўтмай, ажрашдик.

Ўзимни таний олмай қолдим. Худди ичимда икки киши бору бир-бирига қарши курашяпти. Амина, математика ўқитувчимиз қўллаб-қувватлаган мен билан, Истанбул кўчаларидаги бетайинлар орасида қолиб кетган мен... Кураш беаёв кетяпти, ҳозирча иккинчи томонимнинг қўли баланд...

Эримдан ажрашган куни Бейўғлига<sup>5</sup> қараб кетаётгандим. Бир дўстимдан кукун олиб, миямни чидаб бўлмас оғриқнинг исканжасидан халос қилмоқчи эдим. Асабларим ҳаддан зиёд таранг, агар ҳеч нарса топа олмасам, телба бўлиб қолишим мумкин.

<sup>5</sup> Бейўғли – Истанбулдаги туман.

Автобус бекатида тургандим, кимдир қўлимдан ушлади.

– Айсел қизим!

Ортимга ўгирилсам, имом афандининг рафиқаси турибди.

– Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? – дебман томдан тараша тушгандек.

Мени қучоқлади, ёноқларимдан ўпиб қўйди. Сал нарида турган имом афанди ҳам саломлашди, ҳол-аҳвол сўради.

Буни қара-я, ҳушим бошимдан учай деганида имомга дуч келиб турибман!

– Биз меҳмонхонага кетяпмиз, – деди аёл. – Вақтинг бўлса, кел, оқшомни бирга ўтказамиз.

Эътиroz билдиrmадим. Asлиda бу таклифни rad этмоқчи эдим, бироқ ичимда қандайдир куч бунга қаршилик қилди. Қолаверса, қоладиган жойим ҳам йўқ, ақалли бу кеча тинч ухлайн. Албатта, хуморнинг дастидан хуруж бошлаб қолмаса.

Хуллас, эр-хотинга эргашдим.

– Имом афанди ҳуқуқшунослик факультетида магистрликка ўқияпти, имтиҳонлари бор. Менинг эса сал мазам йўқ, шифокорларга кўрингани келдим.

Имом афанди магистратурада ўқияпти эканда! Қойил! Имомни қара-я! Ўзини илфор деб ҳисоблайдиган менинг аҳволим эса...

– Ўқишлиаринг қалай, қизим? – деб сўради имом афанди.

— Бу йил иккинчи курсдаман. Озрок қийин бўляпти, лекин уddaляпман.

— Устозларингни танийман, улар бизга ҳам дарс беришган. Ҳозир ҳам дарс оляпман улардан. Магистратура тугай деб қолди, кейин докторантурага кирмоқчиман. Докторантурадан кейин эса ҳуқуқшунослик факультетида ўқитувчи бўлиб ишлаш ниятим бор. Сен ҳам яхши ўқи, илмий иш қил. Устозлардан илтимос қиласиз, ёрдам беришади...

Оқшомни меҳмонхонада бирга ўтказдик. Уларнинг ёнида на бош оғриғим қолди, на гиёҳванд модда хумори. И мом афанди ҳам, аёли ҳам насиҳат қилишди, кошки ўгитлар менга кор қилса. Лекин бир нарсага ишончим комил эди — мана шундай оилам бўлса, баҳти бўлишим аниқ...

\* \* \*

Учинчи курсгача амаллаб яшадим, кейин эса ҳаммаси чаппа кета бошлади. Гиёҳванд модданинг касофатидан неча марта полиция бўлимига тушиб қолдим. Бир неча марта эрга тегиб, шунча марта ажрашдим.

Ҳайҳотдек Истанбулда на уйим бор, на пулим.

Бир куни дўконнинг олдидан ўтаётib очликдан ҳушимдан кетиб қолибман. Ўшанда

бир бурда нон қидириб юргандим. Күзимни поликлиникада очдим. Тепамда күзларини катта-катта очган шифокор турғанди, унинг ёнида эса бир чол.

Шприцлар кўкартириб ташлаган қўлимдан кимлигим маълум. Эндиғина йигирма икки ёшдаман, лекин аллақачон қариб кетганман.

Шифокор ўтириб олишимга кўмаклашди.

— Жиддий муаммо бор, — деди у. — Заарали одатларни ташламасангиз, ҳаёт сизга мутлақо раҳм қилмайди. Баъзи қон таҳлилларини ўтказдик, соғлигингиз хавф остида. Ҳозирданоқ ҳаракатни бошлаш зарур, акс ҳолда оқибати ёмон бўлади. Ўзингизни қўлга олишингиз, саломатлигингизга эътиборли бўлишингиз зарур.

Яна насиҳат...



# Оч қолмасликнинг чораси

Поликлиникага мени шифокорнинг олдидаги кекса одам олиб келибди. Аюбда<sup>6</sup> бир ўзи яшар экан. Аёли икки йил олдин вафот этибди, фарзандлари эса чет элда яшаркан.

Шу одамга раҳмат, менга ёрдам берди. Унинг этагини қўйиб юбормасликка қарор қилдим, чунки бошқа чoram йўқ эди. Одам танлайдиган вазиятда эмасдим. Ким бўлса ҳам, мени кўчадан қутқарсин, бошимни суқадиган уйим, егани ноним бўлсин, бас.

Менга уйланишга рози бўлди. Кейинчалик англашилмовчилик бўлмаслиги учун бошимдан ўтганларнинг барини айтиб бердим. Рост гапирганимга ишонтириши учун ҳатто «Аюб Султон»га<sup>7</sup> бориб, тавба қилиб ҳам келдим.

Даҳрий қиз диндор одам билан турмуш қуриши мумкинми?.. Мен йигирма икки ёшдаман, у эса олтмишдан ошган.

Бироз ўзимга келиб олиш учун динга амал қиласидиган аёл ролини ўйнашим керак эди. Ҳатто рўмол ҳам ўрадим.

Эрим жуда хурсанд бўлди. Бир даҳрий тўғри йўлга қайтди, деб ўйлади. Менга жуда

<sup>6</sup> Аюб ёки Аюбсултон – Истанбулдаги туман.

<sup>7</sup> Истанбулдаги қадимий масжид.

катта нафи тегди. Аввалига олти ой давомида бангиликка қарши даволандим. Эндигина тузалай деганимда яна ёмон хабар олдим – жигаретишмовчилиги бошланибди. Кейин эса жигар саратонига чалинганимдан хабар топдим, бу касаллигимни мендан анчагача яширишибди. Жигарим ичкиликтозликка, кашандаликка, гиёхвандликка дош беролмабди...

Кекса эрим мени эринмай даволатди. Ҳатто мүъжиза рўй бериб, тузала бошладим ҳам. Аммо яна бир зарба олдим – эрим юрак хуружидан ўлиб қолди. Ўлганидан кейин ҳам яхшилиги тўхтамади – пенсиясини мен оладиган, тиббий суғуртасидан фойдаланадиган бўлдим. Фарзандлари хориждан қайтиши билан мени уйдан ҳайдаб солишибди, уларнинг назарида оталарининг бошини айлантириб олган суюқоёқ аёл эдим.

Барибир эримдан миннатдорман. Пенсияси ва тиббий суғуртаси менга қолди-ку, Истанбулнинг қоқ ўртасида яшайдиган ёлғиз аёл учун бу ҳазилакам гап эмас.

Қанчалар омадсизман! Ёруғликка чиқишимга оз қолганди. Мени оталарча қўллаб-қувватлайдиган эрим, дардни енгаёзган бардошим бор эди. Кайфиятим жойига келиб қолганди. Касалхонадан чиққандан кейин ўзимни эпақага келтирмоққа аҳд қилгандим. Амина, имом афанди айтганидек яшамоқчи эдим. Ҳаммаси чиппакка чиқди.

Туппа-тузук илдамлаётган ҳаёт поезді кутилмаганда түхтаб қолди, яна эски бекатта қайтдим. Тағин ўша кимсаларнинг орасида әдим. Ҳойнақой, бу сафар ортга йўл йўқ, мени боши берк кўча кутяпти. Неча кун бемақсад сандироқлаб юрганимни билмайман. Кўчада ҳушимдан кетиб қолибман. Очликданми, қасалликданми, буни ҳам билмайман.

Тўғри, марҳум эримнинг пенсиясини олиб тургандим, аммо ҳаётини нотўғри йўлларда совураётган киши учун бу пенсия нима ҳам бўларди.

Касалхонада бироз муолажа олдим, кейин эса оғриқларга чидолмай қочиб кетдим. Менга ҳеч эс кирмаётган эди.

Умид билан Анқарага келдим, лекин ҳеч ким менга эшигини очмади. Чорасиз әдим, на кучим қолганди, на бардошим. Қасаллигим зўрайиб кетганидан ҳатто ўрнимдан тура олмай қолдим.

Кўп хатолар қилган бўлсам-да, ҳеч ўзимни айбламасдим. Чунки жуда қайсар әдим. Даҳрийлик, инқилобчилик, буларнинг ортидан қанчадан-қанча разилликлар... Фақат ўзим тўғри деб билган ҳақиқатларга ишондим, ҳолбуки, бошқа ҳақиқатлар ҳам бор эди. Энг катта хатоим мана шу бўлди.

## **IV БОБ**

# **ЎЛИМНИ КУТАЁТИБ**



Ҳамма нарсамдан мосуво бўлдим. Ҳаётимда ҳеч қандай маъни қолмади. Жамиятда шунчаки ортиқча одамман. Ягона истагим – бу ҳаётнинг якун топиши.

Нечамарта ўзимни ўлдиришга уриндим, аммо уддасидан чиқа олмадим. Мана, энди бедаво дард мени бундай уринишлардан халос қиласди. Ўлимни интиқлик билан кутар эканман, олдинда мени нималар кутиб турганини билмасдим...

## Балки бордир?..

Кўзимни очганимда каттагина касалхонанинг онкология бўлимида ётган эдим.

Ҳа, ўлим тўшагидаман. Ҳатто сал нарида мени кутаётган ажалнинг нафасини ҳис қилаётгандекман.

Эҳтимол, энди бу сатрларни қоралаётганим маъносиздек туйилар. Тўғриси, ўзим ҳам билмайман шунча нарсани нега ёзганимни. Балки кимлардир мени айблаши, менга лаънат ўқиши учун ёзгандирман. Балки «Мен қилган хатоларни сизлар такрорламанг», дейиш учун ўзимга тасалли топиш учун қўлимга қалам олгандирман. Ёш қизлар менинг бошимга тушганлардан сабоқ олсин, мен тушган тузоқларга улар тушмасин, дейиш учун ёзгандирман эҳтимол ушбу мактубни...

Мактубни ёза бошлаганимга икки кун бўлди. Аввалига бир неча соатда тугатишни режалаштирган эдим, лекин ҳали ҳам ёзяпман. Ичимда ўзгача ҳислар уйғонди. Бу мактубни ёзиш билан худди ҳаётимнинг расмини чизаётгандекман. Шу тариқа бошимга тушган воқеаларга ташқаридан назар ташлай оляпман.

Олдинига мактуб орқали мени бадном қилганларга сўнгги бор нафратимни сочиши

истагандим. Бироқ шу икки кун ичида амалларимни ҳисоб-китоб қилаётганимни сезиб қолдим. Саҳифаларни тўлдирав эканман, тўғрилар ва хатоларни тарозида тортиб кўрдим. Шу пайтгача умуман хаёлимга келмаган муҳим тафсилотларни кўрдим. Масалан, борлигини мен авваллари ҳеч қабул қилмаган Худо ҳақидаги мавзу. Олдинлари қатъий равишда «Худо йўқ!» дер эдим, энди эса хаёлимда ҳар хил саволлар пайдо бўлган.

Балки бор бўлса-чи? Аллоҳ бу коинотни ва инсонларни яратган бўлса-чи? Қилган ҳар бир ишимиз учун бизни сўроққа тутса-чи?..

Хўш, ҳисоб беришга қанчалик тайёрман?..

Ана шу саволлар миямдан чиқмай қолди.

Мактубни ёзар эканман, вужудимга қаердан-дир қувват, юрагимга илҳом келаётганини ҳис этяпман. Сатрлар мени етти ухлаб тушимга кирмаган томонга етаклаётгандек гўё.

Мактубимнинг охирида нималар ёзишимга ўзим ҳам қизиқиб кетяпман, тўғриси.

Устоз, яна чарчаб қолдим. Дам олмасам бўлмайди. Эрталаб кўришигунча.

## Фаройиб туш

Бу сатрларни кўзимда ёш билан ёзяпман. Устоз, галати нарсалар бўляпти, уларга қўшилиб менга ҳам нимадир бўляпти. Сал кучимни йигиб олай, ҳаммасини гапириб бераман...

Ҳали ҳам ҳамма ёғим титраяпти, бутун вужудимни ҳаяжон чулғаган. Юрагим қинидан чиққудек бўлиб уряпти.

Кечаси соат икки эди. Томчи дорини узишганига бир соатча бўлган. Ухлашим учун укол қилишди...

Ҳаёлларим алғов-далғов бўлиб кетган. Ҳаёт сўқмоқларида бир умид илинжида югураётгандекман. Ўйлаяпман. Бу коинот ўз ҳоличами? Йўқлик сари кетяптими? Бу мавжудотлар ва инсонларнинг бари бир куни ўлади, йўқ бўлиб кетадими? Ҳаёт қайтадан бошланмайдими? Инсонлар бўлмайдими?

Коинотни Аллоҳ яратганми? Ҳамма нарса Унинг амри билан амалга ошадими? Ўлгандан кейин қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинамизми?

Нариги дунёда онам, отам ва акам билан учрашаманми? Жаҳаннам бор бўлса-чи? Бу аҳволимда ўша жаннати одамлар билан кўриша олмайманми? Менинг чекимга яна ҳасрат ва изтироб тушадими?

Яъни қайта тирилиш бўлса ҳам, менга ба-  
рибир ҳузур-ҳаловат йўқ экан-да...

Бошим ғовлаб кетди. Шунга ўхшаш ўйлар  
билин ҳаётимни кўз олдимдан ўтказар эканман,  
бир маҳал эшикнинг ғичирлаши эшитилди.

Бошимни эшик томонга бурдим. Икки аёл  
кириб келди. Эгниларида оппоқ, топ-тоза либос,  
бошларида рўмол. Юзларидан таралаётган нур-  
дан, истарадан ичимда илиқлик пайдо бўлди.

Кўзларимиз тўқнашди. Нигоҳлари ҳам, та-  
бассумлари ҳам шунчалар ёқимли эдики, мени  
оҳанрабо мисоли ўзларига торта бошлади.

Булар ким ўзи? Ҳамшира эмасликлари аниқ.  
Ҳамшираларнинг боши очиқ, бунчалик иста-  
рали ҳам эмас улар. Алламаҳалда мени ҳеч  
ким кўргани ҳам келмайди. Зеро, бу аёллар шу  
кунгача мен танишган инсонлардан жуда-жуда  
бошқача.

– Тузалиб кетгин, болам, – деди олдиндаги аёл.  
Овозидан бутун танам жимиirlаб кетди. Иккинчи  
аёл эса унинг ортида қўл қовуштириб турарди.

Раҳмат айттолмадим, чунки қаттиқ ҳайратда  
эдим.

– Биз қийин аҳволга тушиб қолган мусул-  
монларга ёрдам берамиз. Сенга ҳам ёрдам  
бериш учун келдик.

Аллоҳ ҳар нарсани кўрувчи, билувчи ва кўмак  
берувчиidir. Пайғамбаримиз алайҳиссалом  
эса ҳар бир умматлари учун ташвиш чекувчи  
зотдирлар.

Коинотдаги бу ажойиб тартибот Аллоҳнинг илми ва қудрати билан яралган. Ичидаги сонсаноқсиз неъматлар эса бандаларига аталган инъомидир. Аллоҳ бандаларини У танишлари ва бандалик вазифасини адо этишлари учун яратган.

Одамларга хабарларини етказиш учун эса пайғамбарлар ва китоблар юборган.

Афсуски, баъзи инсонлар шайтонга ва нафсларига эргашиб, будунёниг ўткинчи лаззатлари учун Аллоҳни эсдан чиқаришади. Ҳолбуки, улар оддий пашшага қарашса ҳам, унинг қанчалар мўъжизавий санъат асари эканини кўришади, шу орқали Аллоҳнинг улуғлигини тушуниб етишади. Аммо улар Аллоҳга эмас, шайтонга ва нафсларига қул бўлишни афзал билишади. Бу дунёга юборилган инсон қайта тирилиб, ҳисоб бериши ҳақида ўйлашмайди. Инсонни бор қилган Аллоҳ учун уни қайта тирилтириш қийинми?..

Бу гапларни авваллари ҳам дугоналаримдан, устозларимдан эшитганман, лекин ҳозир таъсир қилганчалик таъсир қилмаган. Аёлнинг ҳеч бир сўзига эътиroz билдира олмадим.

— Онанг сенинг учун жуда кўп дуо қиляпти, сендан жуда хавотирда. Тайёрлан, тавба қил. Аллоҳдан афв сўра, Унинг афви фазаби ва жазосидан улуғроқдир. Аллоҳга ёлвор, камчиликларингни тузат, зеро, умринг жуда қисқа.

Аёллар қандай келган бўлса, шундай фойиб бўлди. Уларнинг ортидан эшикнинг ғичирилашини эшитдим, холос...

\* \* \*

Чўчиб уйғониб кетдим.

Нима бўлди ўзи? Мендек даҳрий ва гуноҳкор банда Аллоҳнинг иноятига лойиқ кўрилдимми? Йиғлайнми ёки дод-вой солайми? Нима қилишим керак?..

Разолат ва гуноҳлардан бошқа ҳеч нарсани билмайман. Дуо қилиш, тавба қилиш, намоз ўқиш... Ҳеч бирини билмайман...

Жиққа терга ботибман. Тез-тез нафас оляпман.

Ҳа, Аллоҳ бор, коинотнинг эгаси У! Биз эса Унинг қулларимиз! Бўлди, бошқа ҳеч нарсани билмайман. Кимдир менга ёрдам берсин!..

Овозимни эшитган ҳамширалар югуриб келди.

— Яхшиман, шунчаки босинқирабман, — дедим уларга.

Миямда минг хил ўй. Хато йўлда бўлганимни тушуниб турибман. Юз берган ҳодиса мен учун сўнгги имконият эканини ҳам. Шунча гуноҳларимга қарамай, Аллоҳим мени унумаганини ҳис қиляпман. Афсуски, умрим интиҳосига яқинлашиб қолди, нима қилишни билмайман.

— Аллоҳ!!! — дедим юрагим ҳаприқиб. — Елвораман, кимдир менга ёрдам берсин, Аллоҳим! Сен ва охират ҳақида гапириб берсин...

Шу пайт ёрдамчи шифокор эсимга тушди. Ҳар сафар хонамга келганида кайфиятимни күтариб, сабрли бўлишимни ва Аллоҳга таянишмни айтадиган одам! У менга ёрдам бериши мумкин.

Эрталаб қилган биринчи ишум ўша ёрдамчи шифокорни топиш бўлди. Кечаси кўрган тушимни айтиб бердим.

— Хавотирланманг, бу ишнинг уддасидан чиқасиз. Мен сизга ёрдам бераман.

Бир неча соатдан кейин жуда чиройли ўраниб олган ёшгина жувон билан келди.

— Рафиқам ҳар қандай масалада сизга ёрдам беради, — деди.

Исми Абрунур экан. Буни қарангки, у ҳам ҳуқуқшунослик йўналишида ўқиркан. Бўлган ҳодисани унга ҳам сўзлаб бердим.

Мени қучоқлаб олди.

— Гуноҳларингизни ўйлаб, умидсизликка тушманг, — деди. — Сизга ҳавасим келяпти. Аллоҳнинг марҳаматига муносиб топилибсиз.

Ширин сўзлари билан менга тасалли берарди. Қўлларини ушлаб олдим. Мендан ёшроқ бўлса керак, майли, бунинг аҳамияти йўқ.

— Менга ёрдам беринг, илтимос! Вақтим жуда ҳам оз қолган, нимадан бошлишим кераклигини билолмаяпман.

- Ташвишланманг, энди сиз билан биргаман. Аввал намоздан бошлайлик, қолган камчиликларни кейин түлдирамиз.
- Шошилишимиз керак. Хаёлим саволлар, шубҳаларга тўла. Барига жавоб топиб, тўкис имонга эга бўлишни истайман.
- Қўрқманг, ҳаммасини уддалаймиз



## Жавоби топилган саволлар

Абрунур билан режа туздик. У эрталаб соат саккизда келиб, кечки бешгача қоладиган бўлди. Менга намоз ўқишини, дуоларни ўргатади, саволларимга жавоб қайтаради. Оқшом пайтида у берган китобларни ўқийман.

Жуда ҳам хурсандман. Хурсандчилик ҳам гапми, қанот чиқариб учайдекман.

— Фақат туртилиш, хўрланиш... Нуқул кимнингдир далласига ва кўмагига муҳтоҷ бўлиш, меҳр кўрмаслик ва инсон сифатида қадрланмаслик... Мана шулар исёнимнинг сабаблари. Елиб-юрган, ўйин-кулги қилган, роҳат-фароғат ичидаги ёшларни кўрганим сайин исёним ортди. Нега бу аҳволга тушдим? Менинг айбим, гуноҳим нима эди? Нега менга ҳамма зулм қилди? Ҳаётим бундай бўлишини мен хоҳламаганман. Нега умримнинг охиригача шунча машаққатга чидашга мажбур бўлдим? Нима учун бошқалар тўкин-сочинликда яшади-ю, мен нуқул оёқости бўлдим?..

Даҳрий, инқилобчи эканимнинг, ҳақ-ҳуқуқ ва тенглик ҳақидаги фикрларнинг тамали мана шу саволлар. Булар умрим давомида ичимни олов сингари ёндириб келди.

Ҳа, Аллоҳ бор, аммо бу ҳақсизликларнинг сабаби нима? Нима учун адолатсизлик бор? Илтимос, ана шу саволларнинг жавобини топишинга ёрдам беринг. Акс ҳолда ичимдаги исён босилмайди, руҳим ҳаловатга эришмайди.

Абрунур йиллар давомида йифилган дардларимни эшигандан кейин жавоб бера бошлади:

— Аллоҳ фойдаланишимиз учун бизга икки омонат берган. Биринчиси, ўз танамиз ва ҳаётимиз, иккинчиси эса коинот ва ундаги чексиз неъматлар.

Агар инсон ҳаёти ва коинот тартиботи инсон қўли билан ўзгартирилиб, алғов-далғов ҳолга келтирилмаса, яъни берилган неъматлардан ҳикматига мувофиқ равишда фойдаланилса, ҳеч қандай муаммо қолмайди. Аллоҳ адолатсиз эмас, шунинг учун муаммоларнинг сабаби Аллоҳнинг адолатсизлиги билан боғлиқ, деб бўлмайди. Ҳамма кўргиликларга инсонларнинг ҳаётларини ўз қўллари билан издан чиқаришлари сабабчи. Кўзни, ақлни, қўлни, оёқни ва дунёни мукаммал қилиб яратган Аллоҳ қулларининг хатолари натижасида келиб чиқсан адолатсизликлар учун қандай қилиб жавобгар бўлсин?

Бизни ва коинотни буюк ҳикмат билан бор қилган Ҳақ таоло яратган ҳеч бир нарсасида камчилик, нуқсон ва адолатсизлик қолдирмаган. Бизга адолатсизликдек кўринган ҳолатларнинг биз билмаган ҳикматлари,

сабаблари бор ёки баъзи нарсаларни биз ўз қўлимиз билан бузамиз ваadolатсизликни юзга келтирамиз.

Ҳозир мана шу хонага бир бой одам кириб, ҳаммага пул тарқатса, аммо кимгадир оз, кимгадир кўп берса, ўша кишига «Нега менга оз, бошқаларга кўп бердинг?» деб таъна қила оласизми? Бундай дейиш одобсизлик бўлади. Чунки берилган пуллар сизга тегишли эмас, ўша одам ачинганидан ёрдам берган ва ёрдам миқдорини ўзи белгилаган. Бундай вазиятда муроноят қилишга ҳаққимиз йўқ. Норози бўлшикоят қилишга ҳаққимиз йўқ.

Аллоҳ ҳам баъзиларимизга кўпроқ, баъзиларимизга озроқ неъмат берган. Ҳар ким шунга яраша имтиҳон қилинади. Кўп неъмат олганлар «Мен ҳисоб-китоб қилинмайман», дея олмайди, аксинча мол-дунёлари кўпроқ бўлгани учун уларнинг зимирадаги жавобгарлик ҳам кўпроқ бўлади.

Имкониятлари чекланган одамлар ҳам «Нега бизга кам бериляпти?» деб исён қилишлари мумкин эмас. Чунки бандага берилганлар унга эмас, балки Аллоҳга тегишидир ва Унинг инъомидир. Қанча кам берилса ҳам, банда шукр қилмоғи зарур, чунки ўзи лойиқ бўлмаган неъматга эришмоқда ва қанча олган бўлса, шунга яраша ҳисоб-китоб қилинади.

Машойихлар дейдики, инсон ўзидан соғломроқ кишиларга қараб шикоят қилиш ўрнига ўзидан хастароқ кишиларга қараб шукр қилиши керак. Құлымиз синган бўлса, қўли кесилганларга, бир кўзимиз кўрмайтган бўлса, икки кўзи сўқирларга қараб, фикр юритишимиз зарур. Неъмат бобида ҳеч кимнинг шикоят қилишга ҳаққи йўқ, мусибат бобида эса бошига бизницидан ортиқроқ мусибат тушганлар борлигини ўйлаб, шукр қиласиз.

Тасаввур қилинг: бир одам миноранинг зинасидан юқорига қараб кетяпти. Ҳар бир пиллапояда унга бир совға берилляпти. Юқори илдамлагани сари берилаётган совға катталашиб боряпти. Миноранинг чўққисида эса энг катта ҳадяни олади. Ўша одам осмонга қараб, «Кошки минора янада баландроқ бўлганида, кўпроқ совға олган бўлардим», дейди. Шунча совға олган бўлсада, бундай дейиши қуфрони неъмат эмасми?..

Инсон йўқдан бор бўлди. Тош эмас, дарахт эмас, ҳайвон эмас, айнан инсон ўлароқ дунёга келди. Аксар вақтларда соғ-саломат бўлиб, скринликда яшаб, мاشаққатга тушиши билан шикоят қилишни бошлиши инсофданми?..

Абронурнинг гаплари қулоғимда акс садо берар, лекин лойқаланган зеҳниятим ва мантиғим ҳеч ўзига келолмаётган эди.

– Бизни бу дунёга Аллоҳ юборди, бизга минглаб неъматлари ва инъомларини тортиқ қилди. Бизга ҳаёт берди.

Үйлаб күрайлик: тош, тупроқ ёки ўт-алаф бўлиб ҳам яратилишимиз мумкин эди. Ёки мушукми, сичқонми, илонми бўлишимиз мумкин эди. Шундай экан, инсон ўзига берилган неъматларни унутиб, «Нега мен бошқалардек яшамаяпман?» дейиши тўғри бўлмас.

Бизнинг ҳеч бир ҳаққимиз зое бўлмаган, билъакс, ўзимиз лойик бўлмаган қанчалаб неъматга ва ҳақларга эгамиз.

Фикр юритамиз, кўрамиз, гапирамиз, еймиз, ухлаймиз, куламиз, йифлаймиз... Бу неъматлар қандай қилиб кам кўрилиши ёки эътиборга олинмаслиги мумкин?..

Танамиздаги аъзоларни мукаммал қилиб яратган Аллоҳнинг амрларига нега ҳеч қизиқмаймиз? Биздан нималарни хоҳлашини нега сўраб-суриштирмаймиз?..

Биз махлукмиз, яъни яратилганмиз. Бизни йўқдан бор қилган Яратувчи бор. Инсонни яратган Зот инсонга зулм қилмайди, аксинча, уни энг кўп севувчи айнан Удир.

Бизга адолатсиздек кўринган ҳолатларнинг ҳикматли жиҳати бор. Бу дунёда ҳар ким нима биландир, тоқатига кўра имтиҳон қилинади...

Чуқур ўйга толдим. Абрунурнинг ҳар бир гапини тарозига қўйиб, бу гапларнинг ички дунёимга таъсирини тушунишга ҳаракат қиласадим.

Мени ўйлантирган масалалардан бири Аллоҳнинг коинотни нима учун яратгани эди. Буни ҳам сўрадим.

— Аллоҳ бу дунёни нега яратган? Яратмаганида қанчадан-қанча инсон йўлдан адашиб, охир-оқибат дўзахга тушмаган бўлади. Бу дунёда ҳам азоб-уқубатларга учрамасди.

— Коинотнинг яратилиши Аллоҳнинг иродаси биландир. Бунинг сабабларини сўроқлаш яратилганлар сифатида бизга муносиб эмас.

Бир бой одам муҳтожларни едирса, кийдирса, уларга пул берса, хурсанд қиласа-ю, ўша муҳтожлардан бири «Нега бундай қиляпсан? Қилмасанг бўлмасмиди?» деб сўраса, одобсизлик қилган бўлмайдими?..

Аллоҳ оламни нима учун яратган, деб сўраш ҳам худди шундай одобсизликдир. Зеро, бу масалани ақл ўлчовимиз билан изоҳласак, бирор натижа ололмаймиз. Чунки Яратгувчи нима учун яратганини ўзи изоҳламаса, яратилганлар бўлиб бизлар буни қандай изоҳлаймиз? Изоҳлаган тақдиримизда ҳам, камчиликка йўл қўйишмиз, хато қилишимиз аниқ.

Аммо бу саволга қисман бўлса-да, жавоб берадиган бўлсак, аввало яратиш қандайдир эҳтиёжнинг натижаси эмас, балки Ҳақ таолонинг иродаси эканини айтишимиз лозим. Коинотнинг яратилишидаги энг муҳим сабаб Аллоҳнинг ўз қудратини махлукотга кўрсатишни истагани билан боғлиқ. Яъни илмининг маҳсулини, қудратининг ажойиблигини, гўзаллигининг аксини, марҳамат ва шафқатининг тажаллийсини мавжудот ойнасида кўришни истаган.

Бундай истакни моҳир санъаткорларда ҳам кўриш мумкин. Айтайлик, мусаввир турли расмлар чизади. Асарларини аввал ўзи томоша қилади, роҳатланади. Кейин кўргазма ўтказиб, асарларини оммага намойиш этади, одамларнинг мақтovларидан хурсанд бўлади. Шунингдек, олим ҳам ёзган китоби одамларга фойда келтираётганини кўрса, завқ олади.

Инсоннинг зиммасидаги энг асосий вазифа ўзи билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, ҳал этишdir. Нима учун яратилган? Вазифаси нима? Қаерга кетяпти? Кимга қандай ҳисоб беради? Ҳаёти давомида атрофини ўраб турган неъматларнинг Эгаси ундан нима истайди?

Инсон учун, аввало, ушбу саволларнинг жавоби муҳим.



## Илк бор ҳузури илоҳийда

Биринчи намоз...

Ҳаётимда бундай ҳаяжонни, бундай титроқ ва ҳузурни ҳеч қачон ҳис қилмаганман. Ҳудди оташ бўлиб ёнаётган вужудимнинг ҳар заррасига салқин шабада тегар, мени ҳаловат тўла маконга олиб кетарди. Ҳа, биринчи намозим... Ё Роббим! Бу қандай баҳтки, таърифлаб бўлмайди. Зулмат қоплаган дунёимда нур бўлиб порлади намоз.

Чойшабимни олдимга ёзиб, жойнамоз қилдим. Ҳаяжондан оёқ-қўлим титраяпти...

«Аллоҳу акбар» дейишим ҳатто томирларимни ҳам тўлқинлантириб юборди. Чидолмадим, йифлай бошладим...

У буюк Зотнинг бунчалар олий ҳурматга муносиблигини шу пайтгача билмаганим, англамаганимдан пушаймон бўлиб, оҳ чекардим. Аллоҳга йўналиш, Унга дуога қилиш, Унинг эшигини қоқиш ва Ундан гуноҳларни кечиришни сўраш инсонга бу дунёда жаннатга тушгандек ҳузур берар экан-у, мен гумроҳнинг бундан хабари йўқ экан.

Бошимни саждага қўйдим. Аллоҳим! Улуғларнинг улуғи қаршисида ерга бош қўйиши... Унинг ҳузурига бориш, Унинг меҳмони бўлиши... У билан сўзлашиш, дардларингни айтиши...

Илк бор ҳузури илоҳийга борганимда кўз ёшларимни тўхтата олмадим. Бу шундай ёш эдики, шу пайтгача тўқкан ёшларим унинг олдида шунчаки маъносиз бўлиб қолди.

Йифлаган сайин енгил тортдим. Гўё ёнокларимда юмалаётган томчилар билан ичимда оғир юқ бўлиб турган гуноҳларимдан, фуборлардан халос бўлаётгандек эдим.

Буюклар буюги! Кўз ёшларимни, тавbamни қабул қил. Сен эшигингга келганини қувмайсан. Қанча гуноҳ ва хатолари бўлса, кечирасан. Зеро, бошқа чорам ҳам, борадиган эшигим ҳам йўқ. Агар қабул этмасанг, қайси эшикка бораман?.. Мен бир гуноҳкор қулингман, бугун даргоҳингга келдим. Менга шундай кунни насиб қилганинг учун Ўзингга шукрлар бўлсин!..

Бир неча соат ўзимга кела олмадим. «Нега шу пайтгача бу лаззатдан маҳрум эдим?» дея афсус-надоматлар чекдим.

Бир маҳал Абронур келди. Ҳар доимгидек кулимсираб ҳол-аҳвол сўради. Намоз ўқий бошлаганимни айтганимда, боши осмонга етгудай хурсанд бўлди.

Сумкасидан иккита китобни олиб, менга узатди.

– Буларни сизга олиб келдим, – деди. – Ўқиб кўринг, кўплаб саволларингизга жавоб топасиз.

\* \* \*

Китоблардан бирининг номи «Ўзини қидирган одам» экан. Сизнинг китобингиз. Бу китоб

олдин ҳам рўпарамдан чиққан. Уни бир неча кун аввал, мазкур мактубни ёзишимга туртки берган «Ўзимни топдим...» китобингизни олаёт-тиб тамаддихона олдидағи растворда кўрган эдим. Лицейда ўқиб юрганимда математика ўқитувчимиз Билол бейнинг рафиқаси ҳам совға қилган, ўшандаги эътиборсиз ташлаб қўйган эдим...

Мутолаани кечқурун бошладим. Китобнинг қаҳрамони худди менга ўхшаб йўлини йўқотиб қўйган, даҳрийликни танлаган одам экан. Агар эътибор билан ўқилса, инсоннинг ақлию қалбини хиралаштирадиган, ҳақиқатларни кўришига йўл қўймайдиган тўсиқлар йўқ бўлади. Инсон имон лаззатини туя бошлайди.

Иккинчи китобнинг номи – «Иқрор»<sup>8</sup>. Унинг қаҳрамони дузжалик Мехметни ҳам ўзимга ўхшатдим. Устоз, шундай китобларни ёзганингиз учун сизга беҳад миннатдорчилик билдираман.

Китобда қуидаги мисралар эътиборимни тортди: «Бизни бу дунёга юборган, минглаб неъматларни берган Зот, албатта, ҳисоб-китоб ҳам қиласди. Масалан, нимадир сотиб олсак, унинг ҳақини тўлашимиз керак-ку, тўғрими? Яъни ҳар қандай қарз тўланмоғи керак».

Қуидаги сатрлар эса тақдир ҳақидаги саволларимга жавоб бўлди: «Аллоҳ инсон туғилишидан то ўлимигача бўлган ҳаёти давомида

<sup>8</sup> Ушбу китоб “Мисбах” жамоаси томонидан ўзбекчага ўгирилган ва чоп этилган.

нималарни танлаши, нималарни исташю қандай ҳаёт кечириш орзусида бўлишини ва иродасини қандай ишлатишини азалий илми орқали биз ҳали дунёга келмасимииздан аввал билиб, шунга кўра тақдиримизни битади. Шунинг учун Аллоҳ ва тақдиримизни айлашга ҳаққимиз йўқ. Фақат нотўғри ишларга бурилиб кетган ўз иродамизни айлашимиз мумкин...»

«Иқрор»ни ўқиганимдан кейин шуни тушундим – имон шундай кучки, унга эришган инсон дунёning әнг баҳтли инсони бўлади.

Шуни эътироф этишим керакки, Аллоҳга ишонмаган инсонлар баҳтсиз, ноумиддирлар. Баҳтли ва саботли кўринсалар-да, бу ҳолатлари соҳтадир.

Инсон «Ишонмайман, бўлиши мумкин эмас», дегани сари қалбининг туб-тубидан «Аллоҳ бор, сени яратган Удир», деган ҳайқириқни эшитади. Мен ўша овозни умуман тўхтата олмадим. Ашаддий даҳрий, ўта тажовузкор бўлган кунларимда ҳам, ичимда ўша қайноқ ва меҳрибон овозни ҳис қилдим. «Аллоҳ бор, Унга ёлвор», дея ҳайқиради ўша овоз. Аммо қулоқ солмадим.

Бу жамиятнинг айби, таълим-тарбиядаги камчилик эмасми? Ахир ёшларга имон нималигини тушунтирумасангиз, улар исёнкор ва бузғунчи бўлиб улғайиши аниқ-ку.


Шундан кейин ҳам, қандай қилиб «Бу ёшлар нега бебош?» дейиш мумкин?..

**V БОБ**

## **ҮЛИМ ТҮШАГИДА ТИРИЛИШ**



Мүйжиза рүй берди. Үлимни кутаётган палламда янги ҳаёт, янги тирилиш бошланди. Күз ёшларим жойнамозимни ҳўл қилаётган бу кунларим бутун умримга татигулик...



## Онамни Каъбатуллоҳда кўрдим

Яна тонг отди, устоз.  
Яна ёзишига киришдим...

Намоз вақтларини сабрсизлик билан кутадиган бўлдим. Ҳузур ичида ўқияпман намозларимни.

Абронур хоним, Аллоҳ рози бўлсин, менга Қуръон ўқишини ўргатяпти, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳаётларини гапириб беряпти. У билан танишганимга бир ҳафта бўлди, бу вақт ичида буткул ўзгардим, энди аввалги Айсел йўқ.

Ўтмишдаги гуноҳларим, хатоларим ва исёнларимни ўйлайман. Аллоҳ мени кечирмаса, тавбамни қабул қилмаса, нима бўлади?.. Мана шундан хавотирдаман, холос.

Биламан, Аллоҳнинг марҳамати чексиз, зеро, ягона тасаллим ҳам шу.

Абрунур хоним ҳадис ва оятлардан мисоллар келтириб, менга умид берди. Аллоҳнинг фазлу марҳамати ғазабидан кўпроқлигини тушунтирганидан кейингина хотиржам тортдим.

*Яна кел!*

*Яна кел!*

*Ҳар на бўлсанг ҳам, яна кел!*

*Коғир бўлсанг ҳам, оташпаст бўлсанг ҳам, бутпаст бўлсанг ҳам, яна кел.*

*Бизнинг бу даргоҳимиз, умидсизлик даргоҳи эмас.*

*Юз карра тавбангни бузган бўлсанг ҳам, яна кел!<sup>9</sup>*

\* \* \*

Бир куни тушимда онамни кўрдим. Каъбада эмишман. Минглаб мусулмонлар Каъбанинг атрофида намоз ўқияпти, уларнинг орасида мен ҳам ўқидим. Қаттиқ ҳаяжон босди. «**Е Роббим! Ишқилиб** бу туш бўлмасин-да, **уйғониб кетмайин-да**», деяётган эмишман.

Бир маҳал кимdir қўлимдан ушлади. «**Болам!**» деди-да, мени қучоқлаб олди.

– Онажон!..

Ёнгинасида акам турарди, отам эса яна йўқ. Қаердалигини сўрасам, тағин ўтган сафарги жавобни олдим:

<sup>9</sup> Жалолиддин Румийдан.



— Ҳисоб-китоби ҳали тугагани йўқ.  
Онамни ҳидлаб тўймаётган эдим. Қайта-  
қайта қучоқлаб, қайта-қайта ўпдим.

— Қизим, сени табриклайман, — деди онам.  
— Намоз ўқияпсан, мана, Қуръон ўқишини ҳам  
ўрганиб олдинг. Қанчалар хурсанд бўлганимни  
билмайсан, сен учун тинмай дуо қилдим. Юр,  
ҳозир сени Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг  
олдиларига олиб бораман.

Ҳайратдан қотиб қолдим. Мендек гуноҳкор,  
исёнкор банда Расулуллоҳ билан учрашаманми?  
Қайдай баҳт бу!

Онамнинг олдига тушиб, ошиққанча юрар  
эканман, уйғониб кетдим...

Расулуллоҳнинг дийдорини кўролмай  
қолдим!..





## Хотима

Бугун мен учун интиҳонинг бошланиши...

Таҳлилларнинг натижалари яна ёмон чиқди. Танам тобора тўкилиб боряпти. Ҳолсизлигим ортаяпти, қувватим озайяпти.

Баъзан оғриқлар зўрайиб, энг кучли дорилар ҳам таъсир қилмай қоляпти. Лекин шикоят қилмайман, бунга ҳаққим йўқ. Чунки мулкнинг эгаси мен эмас. Мулкни бергувчи ҳам, олгувчи ҳам Удир...

Эрталаб мени ажойиб совфа кутиб турган экан – эшикдан Амина кириб келди! Худди фаришта мисоли! Бутун азобларим, фамгинлигим, оғриқларим эсимдан чиқиб кетди.

Омон бўлсин, сўраб-суриштириб, топиб келиби.

Оҳ, Амина, оҳ! Қанчалар қадрли дўстсан! Мени гуноҳлар гирдобидан қутқариш, ҳақ йўл ҳақида хабардор қилиш учун қанчалар уринган эдинг! Менга кўп меҳнатинг сингди. Ёмон кунларимда доим ёнимда турган дугонамсан. Мана, яна оғир кунимда ёнимдасан.

Амина касаллик тарихимни кўриб чиқибди. Сездирмасликка уринди, лекин кўзлари дардимнинг нақадар оғирлигини айтиб турарди. Мени меҳр билан қучоқлади. «Қўрқма, тузалиб кетасан!» деди. Бу гапи «Тайёрлан, сафарга чиқасан!» дегандек эшитилди.

\* \* \*

Ха, сафарга чиқаман. Азроил билан учрашиш  
вақтини кутяпман. Умид ва қўрқув билан.

Бу мисраларни охирги кучим билан ёзяпман.  
Энди ўрнимдан туролмай, ҳатто ўтиrolмай  
қолдим. Намозларимни имо-ишора билан ўқи-  
япман. Умримнинг охирги дамларида эканимни  
биламан.

Буни қаранг, устоз, бу мактубни не мақсадда  
ёза бошлаган эдим, ҳозир нима бўлди? Ўз  
жонимга қасд қилиш ниятида бошлаган макту-  
бим мени Роббимнинг ҳузурига олиб келди.  
Сенга чексиз шукрлар бўлсин, Аллоҳим!..

Сиздан бир илтимосим бор, устоз.

Сиз юзлаб, минглаб талабаларни етиштир-  
гансиз. Улар ичида ҳақ йўлда событқадам, имон  
ҳақиқатларини англаган шогирдларингиз бордир  
ёки дуоси қабул бўладиган кишиларни танирсиз.  
Илтимос, уларга айтинг, мени дуо қилишсин,  
ўзингиз ҳам дуо қилинг. Мени ҳам бир талабангиз  
сифатида кўришингизни сўрайман.

Агар бир куни Мадинага борсангиз, Расулул-  
лоҳга мендан салом айтинг. У зотни юрагим  
ёниб яхши кўришимни айтинг. Каъба олдида  
қўлингизни очиб, гуноҳларим кечирилиши  
учун дуо қилинг.

Бу мактубнинг якуни ўйлаганимдан мутлақо  
бошқача бўлди. Айтишади-ку, «Кўрамиз, Мавло

найлар, найларса гўзал айлар».

Мазкур мактуб ягона меросим ва ягона гувоҳимдир. Эътирофларим, гуноҳларим ва пушаймонлигимни кўрсатувчи ҳужжат. Умид қиласманки, мактубимни ўқиганлар мен учун дуоларини дариф тутишмайди.

Мактуб ҳам тугади, мен ҳам. Эҳтимол, бу охирги сатрларим, охирги сўзларимдир. Икки кундан кейин Бароат кечаси бўлади. Умрим етса, ўша кеча ибодат қиласман, гуноҳларим кечирилиши учун кўз ёши тўкаман. Балки айнан ўша кеча сафарга чиқарман.

Агар ёнимда бўлганингизда, қўлингиздан ўпган бўлардим. Менинг ўрнимга мактубим қўлингиздан ўпади, шундай деб қабул қиласангиз. Ишончим комилки, ҳузури илоҳийда сизни таниб оламан. Китобларингиздан кўп фойдаландим, имонга қайтишимда уларнинг катта ҳиссаси бор.

Энди бутун қалбим, бутун вужудим билан ишоняпман: Аллоҳдан келдим ва Унга қайтаяпман.

Ҳузури илоҳийга имон билан қайтишни, Азроилга руҳимни имон билан топширишни истайман. Бу мактуб имонимга шоҳид бўлсин.

Аллоҳга омонат бўлинг, устоз. Иншааллоҳ, сизга янада кўпроқ имонли талабалар етиштириш насиб қиласди.

*Хурмат билан гуноҳкор талабангиз Айсел.*

## Айселни излаб

Мактубни рафиқам билан ўқидик. Айселнинг ҳаёти кўз олдимиздан ўтгандек бўлди. Кўз ёшларимизни тўхтата олмадик. Мактуб, айниқса, турмуш ўртоғимга қаттиқ таъсир қилди. «Ҳеч кимнинг бошига бундай кунлар тушмасин», деди.

Мактуб якунига етди, унга қўшилиб биз ҳам адойи тамом бўлдик. Бу шунчаки оддий мактуб эмас, имонсизлик гирдобидаги ёшларнинг қандай аҳволларга тушишига гувоҳлик берувчи ҳужжатдек гўё. Диндан, имондан маҳрум этиб тарбияланган бу қизнинг қайгули ҳаёт ҳикоясига қараб кимлар уялиши, кимларнинг боши эгилиши керак?..

Ота-оналар, ўқитувчилар, жамиятдаги ҳамма...

Бу мактубни ҳамма ўқиши керак, токи ҳар ким қилган хатолари ҳақида ўзини саволга тутсин. Бугун Айсел, эртага бошқалари...

\* \* \*

Айселнинг мактуби бизга қаттиқ таъсир қилганидан оила аъзоларим билан маслаҳатлашдим. Бу қизга ёрдам бериш, унинг учун нималардир қилиш керак. Бироқ мактубда фақатгина Айсел исми ёзилган, на фамилияси бор, на сана ва касалхонанинг номи.



Мактуб Анқарадан келган. Айсел саратонга қарши даволанаётганига кўра, уни Анқарадаги шифохоналарнинг онкология бўлимларидан қидириш мумкин.

Вақтни ўтказмай, дарҳол Анқарага йўл олдим. Шифохоналарни бирма-бир кезиб чиқдим. Исли Айсел бўлган, йигирма икки ёшдаги bemor қизни қидирияпман. Ичимда хавотир – ишқилиб кеч қолган бўлмайин-да! Мактуб аввалига китобларим босилган нашриётга, у ердан уйимга юборилган. Орадан бир ойча вақт ўтган.

Нихоят, катта шифохонанинг онкология бўлимида унинг изини топдим. Афсуски, кеч қолибман – Айсел вафот этган экан.

Шифокорлардан бири мени таниб қолди.

– Сиз Холид устозсиз! – деди. – Биз ҳам китобларингиздан кўп фойдаланамиз.

У мактубда айтилган ёрдамчи шифокор бўлиб чиқди. Мени ҳамкасларига ҳам таништириди.

– Ўша мактубни мен жўнатган эдим, устоз. Айсел ёзганларини баъзан ўқиб берар, баъзан гапириб берарди.

– Охирги лаҳзаларига қизиқяпман, қай тарзда вафот этди?

– Асти сўраманг, – деди ёрдамчи шифокор кўзларига ёш тўлиб. – Бароат кечасида қазо қилди. Ёнида турмуш ўртоғим Абрунур ва дугонаси Амина хонимлар бор эди. Устоз, хоҳласангиз, кечқурун меҳмонимиз бўлинг, Айселнинг сўнгги лаҳзалари ҳақида гаплашамиз.

Шундай қилиб, кечқурун йиғилдик.

Абрунур хоним Айселнинг сўнгги дақиқалари ҳақида гапира бошлар экан, хонага бирдан жимлик чўкди. Биринчи жумладаёқ унинг томорига нимадир тиқилди. Бир неча марта томоқ қирди, лекин ўтиб кетмади. Лаблари буришди, кўзларидан ёш тўкилди. Ёнида ўтирган Амина ҳам ўзини тутолмай, йиғлашга тушди.

— Бароат кечаси эди, — дея сўз бошлади Абрунур хоним. — Ўша куни Амина ва мен Айселнинг ёнида эдик. Бароат кечасини интиқлиқ билан кутаётганди, ўша кеча ўлишига қаттиқ ишонган, бутун тайёргарлигини кўриб қўйганди. «Бароат кечасида умрим тугайди. Кутаётган меҳмоним ўша куни келади», дерди.

Айсел қисқа вақтда Қуръон ўқишини ўрганиб олганди, ҳар куни Қуръон ўқирди. У жуда закий эди, ҳамма нарсани сўрар, бирор саволи жавобсиз қолишини хоҳламасди.

Йигирма икки йиллик умрида қўл урган гуноҳларидан қаттиқ пушаймон эди. Мен бундай пушаймон бўлган, бундай самимий тавба қилган, ҳаяжон билан мағфират сўраган кишини кўрмаганман. У чидаб бўлмас касаллигини унутганди гўё. Қошларию соchlарининг тўкилиши, текширувларнинг натижаси унинг учун аҳамиятсиз эди. Айсел фақат имон билан жон топширишни ўйларди. Охирги кунларда жуда ҳам истарали бўлиб кетди.

Тушида тез-тез онасини кўраётган эди.

Халқ орасида «ўлим олдидан енгиллашиш» деган гап юради. Яъни бемор ўлими яқинлашгач, ҳамма оғриқларни унутиб, енгил тортади ва қайсиdir маънода тузалгандек бўлади. Айседа ҳам шу ҳолат кўринаётганди. Айседнинг азоблари гўё тўхтаган, у ўзига келиб, гапира бошлаганди.

Гапга Амина аралашди:

— «Ўлим олдидан енгиллашиш» тиббиётда ҳам қизиқ мавзу ҳисобланади, бу инкор этиб бўлмас ҳодисадир. Кўпгина беморларнинг аҳволи ўлим дақиқалари яқинлашганда яхшилангани кузатилган. Масалан, ўпкаси ўсмага тўлиб кетган, нафас олишга қийналаётган беморларнинг сўнгги лаҳзаларда енгил нафас олгани маълум. Агар инсон фақат моддадан иборат бўлганида эди, ўлими яқинлашгани сайин физиопатологик жараёнлар, оғриқлар ортган бўларди. Аммо ҳаётда бунинг тескариси кузатилади. Кутимагандан беморнинг аҳволи вақтинча бўлса ҳам, бироз ўнгланади. Назаримда, бунда инсон танасидаги руҳнинг кучи юзага чиқади.

— Айседнинг ҳам оғриқлари тўхтаганди,  
— дея давом эттирди Абрунур хоним. — «Сув олиб келинглар, таҳорат оламан, меҳмонларни таҳоратсиз кутиб олишни истамайман», деди. Ётган жойида таҳорат олди. Бир маҳал дуо қила

бошлади. «Хузулингга боряпман, Аллоҳим! Мени шу ҳолим билан қабул қил. Сенга, буюклигиннга ишонаман, имон келтирганман. Мени Сен яратдинг ва яна Сенга қайтапман», деди.

Бирдан жим бўлиб қолди. Юзи ёришиб кетганди.

Бир пайт «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳ», дея такбир, ортидан эса шаҳодат келтира бошлади.

Соат учгача бошида Қуръон ўқиб ўтирилик, Айсел бизни такрорлашга ҳаракат қиласарди. Мен «Ёсин»ни ўқиётгандим, Амина эса Айселининг тепасида парвона эди. Кутимаганда Айсел ўрнидан турмоқчи бўлгандек олдинга интилди.

«Онажон! – дея бақирди. – Мени олиб кетгани келдингизми?»

Гўё ким биландир қучоқлашаётгандек қўлларини кенг очди ва «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!» деётган лаҳзада жони чиқиб кетди...

**Холид Эртуғрул**

# Айсел



«Мисбах» нашриёти.  
Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик 66.

Лицензия рақами: X-2532. 24.01.2022 да берилган.

Тасдиқнома рақами: № 020208

Босишига 19.04.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.

Гарнитура "Journal Accent". Офсет қоғози.

Босма табоғи 9.0. Шартли босма табоғи 7.84.

Адади 5000 (I завод 2000) нусха. Буюртма № 75

Баҳоси келишилган нархда.



«Print Line Group» ХК босмахонасида  
чоп этилди. 100097, Тошкент ш.,  
Бунёдкор шоҳқўчаси, 44-уй.



**Б**у пала-партиш мактубни ўқишига тоқатингиз етишига умид қилган ҳолда ўзимни таништирсан.

Исмим Айсел, йигирма икки ёшдаман. Мени ёш экан деб ўйламанг. Ҳа, йигирма икки йил яшадим, лекин неча асрлардан бери яшаётгандек ҳорғин ва умидсизман.

Мен бой берган бу хаёт мужодаласини қоғозга тўкар эканман, энг аввало болалигим хақида ҳикоя қилмоқчиман. Чунки бугун тугаш билмаётган азобларимнинг уруғлари ўша даврда қадалган. Ўтмишда қолган бўлса-да, ўша кунларни эсласам, мени таърифи йўқ алам қийнайди. Чунки ҳар йили, ҳар ойи, ҳар куни, ҳатто ҳар сонияси изтироб ва нафратга тўла. Ҳаммасидан ҳам муҳими, чидаб бўлмас умидсизлик ва ҳеч тугамаган кўз ёши тўфони қоришган хотиралар...



misbahkitoblar

[www.misbahkitoblar.uz](http://www.misbahkitoblar.uz)

ISBN 978-9943-8026-2-9

